

**Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш  
хуқуқини олиш учун жисмоний шахсларни аттестациядан (қайта  
аттестациядан) ўтказиш бериладиган тест саволлари рўйхати  
(II категория ва I категориянинг 1-блоки)**

**Қимматли қоғозлар – бу ... ?**

A. хужжатлар бўлиб, улар мазкур хужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулк хуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу хужжатлардан келиб чиқадиган хуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутди

B. мерос хуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома

C. чет эл валютаси, номинали чет эл валютасида ифодаланган тўлов хужжатлари

D. ўз эгаларининг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан хуқуқларини ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан опционлар, қимматли қоғозларга доир фьючерслар, депозитар тилхатлар ва бошқа молиявий воситалар тарзида чиқариладиган

**Қимматли қоғозларга қуйидагилар кирмайди:**

A. депозит ва жамғарма сертификатлари

B. қимматли қоғозларга мерос хуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома

C. акциялар, облигациялар ва векселлар

D. чек, коносамент ва ғазна мажбуриятлари

\_\_\_\_\_ – бу эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у ўз эмитентининг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини унда назарда тутилган муддатда, қатъий белгиланган нарх бўйича сотиб олишга бўлган хуқуқини тасдиқлайди?

A. опцион

B. облигация

C. депозитар тилхат

D. фьючерс

**Қонунчиликка мувофиқ эмиссиявий қимматли қоғозларни кўрсатинг?**

A. вексель

B. депозит сертификати

C. облигация

D. қимматли қоғозларга доир фьючерс

У ўзида назарда тутилган муддатда қимматли қоғозларнинг муайян сонини қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқлайдиган қимматли қоғозни кўрсатинг?

A. облигация

B. қимматли қоғозларга доир фьючерс

C. депозит сертификати

D. акция

Улар ўз эгалари давлат бюджетига пул маблағлари киритганлигини тасдиқлайдиган ва бу қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати

**мобайнида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини берадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни кўрсатинг?**

- A. эмитентнинг опционлари
- B. ғазна мажбуриятлари.
- C. облигациялар
- D. депозит сертификатлари

**Тўловчининг ушбу қимматли қоғоз эгасига муайян суммани тўлашга доир қатъий мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғозни кўрсатинг?**

- A. облигация
- B. акция
- C. опцион
- D. вексель

**\_\_\_\_\_ – бу ўз эгасига ушбу қимматли қоғозни чиқарган шахсдан маълум вақт ичида қатъий даромад ёки бошқа мулквий эквивалент олиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз.**

- A. облигация.
- B. акция
- C. опцион
- D. фьючерс

**Номинал қийматга эга бўлмаган, тақдим этиладиган қимматли қоғозларнинг муайян сонига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқлайдиган ва унинг эгасининг ушбу қимматли қоғоз эмитентидан ушбу қимматли қоғоз ўрнига тақдим этиладиган қимматли қоғозларнинг тегишли сонини олишини ҳамда тақдим этиладиган қимматли қоғозлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқларнинг мазкур қимматли қоғоз эгаси томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган қимматли қоғозни кўрсатинг?**

- A. депозитар тилхат.
- B. депозит сертификати
- C. корпоратив облигация
- D. ғазна мажбуриятлари

**Корпоратив облигациянинг қонунчиликка мувофиқ таърифини кўрсатинг?**

A. ўз эгасининг белгиланган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз

B. акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар томонидан чиқариладиган қимматли қоғоз

C. ўз эгаларининг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқларини ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар

D. ишлаб чиқариш инфратузилмасини ва бошқа инфратузилмани барпо этиш ва (ёки) реконструкция қилишни молиялаштириш учун пул маблағларини жалб этиш мақсадида хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналари томонидан чиқариладиган қимматли қоғоз

**Қандай қимматли қоғозлар уларнинг эгаларига эмитентни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди?**

- A. депозит сертификатлари
- B. корпоратив облигациялар
- C. инфратузилма облигациялари
- D. барча жавоблар тўғри

**“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига номувофиқ атама таърифини кўрсатинг?**

- A. қимматли қоғозлар эмиссияси – эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш
- B. қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – ўз эгаларининг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқларини ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан опционлар, қимматли қоғозларга доир фьючерслар, депозитар тилхатлар ва бошқа молиявий воситалар тарзида чиқариладиган қимматли қоғозлар
- C. қимматли қоғозларни жойлаштириш – юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларининг объекти сифатида қимматли қоғозлар пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари
- D. қимматли қоғозлар бозори – юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ муносабатлари тизими

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларнинг қиймати қайси валютада ифодаланади?**

- A. Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида
- B. эмитент таъсисчиларининг хоҳишига кўра ҳар қандай валютада
- C. Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун хорижий валютада ифодаланиши мумкин
- D. Марказий банк билан келишилган ҳолда ҳар қандай валютада

**Қимматли қоғозларни уларнинг дастлабки эгаларига бериш қандай аталади?**

- A. қимматли қоғозларни жойлаштириш
- B. қимматли қоғозларни чиқариш
- C. қимматли қоғозларнинг муомаласи
- D. қимматли қоғозларнинг мероси

**Қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари томонидан рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларга доир битимлар бўйича ўзаро мажбуриятларни аниқлаш, аниқлаштириш ва ҳисобга олиш нима?**

- A. клиринг.
- B. блок-трейдинг
- C. неттинг
- D. депо ҳисобварағидан кўчирма

**Мижознинг барча пул талабларини унинг барча пул мажбуриятларига нисбатан ҳисобга олиш орқали амалга ошириладиган клиринг усули қандай аталади?**

- A. неттинг

- B. блок-трейдинг
- C. аукцион
- D. free-float

**Қимматли қоғозларга доир нархлар, талаб ва таклиф даражасини сақлаб туриш учун биржа битимларини тузиш мажбуриятини ўз зиммасига олган инвестиция воситачиси бу – \_\_\_\_\_?**

- A. маркет-мейкер
- B. брокер
- C. депозитарий
- D. андеррайтер

**Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига \_\_\_\_\_ тақдим қилинади?**

- A. 3 нусхада
- B. 1 нусхада
- C. 2 нусхада
- D. 4 нусхада

**Қандай қимматли қоғозлар электрон шаклдаги ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар тарзида чиқарилади?**

- A. барча жавоблар тўғри
- B. корпоратив ва инфратузилма облигациялари
- C. акциялар
- D. депозитар тилхатлар

**Давлат ташкилоти акциядорлик жамияти этиб ўзгартириляётганда нима акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ҳисобланади?**

- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари
- B. Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тасдиқланган акцияларнинг эмиссия рисоласи
- C. жамиятнинг Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган устави
- D. акциядорлик жамияти этиб ўзгартириляётган ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган акцияларнинг эмиссия рисоласи

**Қуйида санаб ўтилганлардан қайси бири корпоратив облигациялар чиқариш шарти ҳисобланмайди?**

- A. чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги аудиторлик ташкилоти ҳулосаси билан тасдиқланган соф активлари миқдори доирасида бўлиши
- B. эмитент кейинги уч йилда рентабелликка, тўловга қобилиятлиликка, молиявий барқарорликка ва ликвидлиликка эга бўлиши, шунингдек мустақил рейтинг баҳосини олган бўлиши
- C. тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштироки бўлиши
- D. чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги ўз капитали миқдори доирасида бўлиши

**Куйида санаб ўтилганлардан қайси бири инфратузилма облигациялари чиқариш шарти ҳисобланмайди?**

A. эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган санадаги ўз капитали миқдори доирасида. Агар инфратузилма облигациялари суммаси эмитентнинг ўз капитали миқдоридан ошса, эмитент ошган сумма учун таъминот бериши шарт

B. облигациялар чиқарилишидан олдинги бир йил учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси мавжуд бўлганда

C. тўғри жавоб йўқ

D. Давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, шунингдек давлат корхоналари томонидан инфратузилма облигациялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда чиқарилади

**Давлат корхоналари инфратузилма облигацияларини \_\_\_\_\_ билан келишилган ҳолда чиқаради?**

A. Молия вазирлиги

B. Адлия вазирлиги

C. Давлат активларини бошқариш агентлиги

D. тўғри жавоб йўқ

**Меҳнат жамоаси аъзоларига мукофотни ёки рағбатлантириш тўловини акцияларга доир опционлар тарзида беришга рухсат бериладими?**

A. ҳа, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан

B. ҳа, фақат Миноритар акциядорлар қўмитаси билан келишилган ҳолда

C. ҳа, фақат Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган ҳолда

D. тўғри жавоб йўқ

**Олиш ҳуқуқини опционлар берадиган муайян турдаги акцияларнинг сони акцияларга доир опционлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра жойлаштирилган ушбу турдаги акцияларнинг \_\_\_\_\_ ортиқ бўлиши мумкин эмас?**

A. 25 фоиздан

B. 15 фоиздан

C. 20 фоиздан

D. 5 фоиздан

**Қайси ҳолатларда эмитент қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг бюджетдан ташқари жамғармасига йиғим тўлайди?**

A. эмиссиявий қимматли қоғозлар дастлабки чиқарилган тақдирда ва илгари рўйхатдан ўтказилган чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозларнинг номинал қиймати оширилган тақдирда

B. фақат эмиссиявий қимматли қоғозлар дастлабки чиқарилган тақдирда

C. инфратузилма облигациялари ва опцион чиқарилган тақдирда

D. илгари рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар киритилган тақдирда

**Корпоратив облигациялар қўшимча чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун эмитент томонидан Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг бюджетдан ташқари жамғармасига қанча миқдорда йиғим тўланади?**

- A. ушбу ҳолатда йиғим тўланмайди
- B. корпоратив облигациялар номинал қийматининг 0,001%
- C. корпоратив облигациялар номинал қийматининг 0,01%
- D. корпоратив облигациялар номинал қийматининг 0,1%

**Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошган деб топиш учун асос бўладиган қимматли қоғозлар миқдорини кўрсатинг (хусусий жойлаштиришд)?**

- A. мазкур чиқарилувдаги қимматли қоғозлар умумий миқдорининг 60% дан кам бўлмаган
- B. мазкур чиқарилувдаги қимматли қоғозлар умумий миқдорининг 45% дан кам бўлмаган
- C. мазкур чиқарилувдаги қимматли қоғозлар умумий миқдорининг 30% дан кам бўлмаган
- D. мазкур чиқарилувдаги қимматли қоғозлар умумий миқдорининг 75% дан кам бўлмаган

**Ўртача муддатли давлат қимматли қоғозлари чиқариладиган муддатни кўрсатинг?**

- A. бир йилдан беш йилгача
- B. бир йилгача
- C. бир йилдан уч йилгача
- D. беш йилдан етти йилгача

**Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қандай муддат ичида эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиши ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт?**

- A. ҳужжатлар олинган санадан эътиборан 20 кун ичида
- B. ҳужжатлар олинган санадан эътиборан 10 кун ичида
- C. ҳужжатлар олинган санадан эътиборан 30 кун ичида
- D. ҳужжатлар олинган санадан эътиборан 15 кун ичида

**Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрини юритиш тартиби ким томонидан белгиланади?**

- A. Вазирлар Маҳкамаси
- B. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи
- C. Марказий банки
- D. Давлат активларини бошқариш агентлиги

**Биржа котировка варағига киритилмаган эмитент Корпоратив маълумотлар ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) жойлаштириш йўли орқали \_\_\_\_\_ ошқор қилади?**

1. Йиллик ҳисоботини

2. Эмитентнинг биринчи чорак, биринчи ярим йил ва тўққиз ой якунларига доир ҳисоботини

3. Эмитентнинг фаолиятидаги муҳим фактлар

4. Қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни

- A. 1, 2 ва 3 жавоблар тўғри
- B. 1, 2, 3 ва 4 жавоблар тўғри
- C. 3 ва 4 жавоблар тўғри

**Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор ким томонидан қабул қилинади?**

- A. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи
- B. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар
- C. Суд
- D. тўғри жавоб йўқ

**Узоқ муддатли давлат қимматли қоғозлари қанча муддатга чиқарилишини кўрсатинг?**

- A. ўн беш йил ва ундан ортиқ
- B. ўн йил ва ундан ортиқ
- C. беш йил ва ундан ортиқ
- D. етти йил ва ундан ортиқ

**Қимматли қоғозларга доир нархларнинг, талаб ва таклифнинг даражасини сақлаб туриш учун биржа битимлари тузилганда маркет-мейкер томонидан кимга йиғим тўланади?**

- A. тўғри жавоб йўқ
- B. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига
- C. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига
- D. давлат солиқ қўмитасига

**Эмитентлар қимматли қоғозларни қандай усулда жойлаштириши мумкин?**

- A. инвестиция воситачилари орқали
- B. барча жавоблар тўғри
- C. мустақил равишда
- D. банклар орқали

**Эмитент қайси пайдан бошлаб эмиссиявий қимматли қоғозларни оммавий жойлаштиришни бошлаши мумкин?**

A. эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот белгиланган тартибда ошкор қилинганидан кейин камида ўн кун ўтгач

B. эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот белгиланган тартибда ошкор қилинган пайдан эътиборан

C. эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот белгиланган тартибда ошкор қилинганидан кейин камида икки ҳафта ўтгач

D. эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан

**Эмитент қўшимча чиқарилаётган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришни чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан қанча муддатда тугаллаши шарт?**

A. акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган, лекин олти ойдан ошмаган муддатда

B. акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган, лекин ўн ойдан ошмаган муддатда

C. акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган, лекин бир йилдан ошмаган муддатда

D. акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган, лекин икки йилдан ошмаган муддатда

**Ҳужжатсиз шаклдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар қандай ҳолларда жойлаштирилган ҳисобланади?**

A. уларни жойлаштирилиши муддати ичида уларнинг ҳақи тўлиқ тўланганидан ва улар олувчиларнинг депо ҳисобварақларига ўтказилганидан кейин

B. чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин

C. уларни жойлаштирилиши муддати ичида уларнинг ҳақи тўлиқ тўланганидан кейин

D. уларни жойлаштирилиши муддати ичида олувчиларнинг депо ҳисобварақларига ўтказилганидан кейин

**Депозит сертификатларини жойлаштириш ва уларнинг муомаласи тартиби ким томонидан белгиланади?**

A. Марказий банк билан келишилган ҳолда Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан

B. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Марказий банки томонидан

C. Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган ҳолда Молия вазирлиги томонидан

D. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда Марказий банки томонидан

**Векселларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласи тартиби ким томонидан белгиланади?**

A. қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

B. Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган ҳолда Молия вазирлиги томонидан

C. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда Марказий банк томонидан



D. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда Молия вазирлиги томонидан

**Кафолат фонди қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси томонидан қандай мақсадлар учун шакллантирилади?**

- A. инвестор томонидан инвестиция воситачиларига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун
- B. инвестиция воситачиси томонидан инвесторга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун
- C. қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси томонидан инвесторга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун
- D. тўғри жавоб йўқ

**Инвестиция воситачиси томонидан инвесторга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун кафолат фонди қандай маблағлар ҳисобидан шакллантирилади?**

- A. қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчисидан чегириб қолинadиган йиғим қисми ҳисобидан
- B. қимматли қоғозларнинг ҳар бир сотувчисидан чегириб қолинadиган маблағлар қисми ҳисобидан
- C. ҳар бир инвестиция воситачисига тегадиган воситачилик ҳақининг чегириб қолинadиган қисми ҳисобидан
- D. қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан чегириб қолинadиган йиғим қисми ҳисобидан

**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги амалдаги қонунчиликда қайси фаолият тури профессионал фаолият сифатида назарда тутилмаган?**

- A. инвестиция маслаҳатчиси
- B. инвестиция воситачиси
- C. инвестиция банки
- D. инвестиция активларини ишончли бошқарувчи

**Инвестиция фондининг фаолияти қимматли қоғозлар бозоридаги қайси профессионал фаолият турлари билан бирга қўшиб олиб борилиши мумкин?**

- A. инвестиция воситачисининг
- B. бошқа турдаги фаолият билан бирга қўшиб олиб борилиши мумкин эмас
- C. инвестиция активларини ишончли бошқарувчининг
- D. инвестиция маслаҳатчисининг

**Инвестиция воситачиси томонидан инвестиция воситачиси сифатидаги фаолиятни тўхтатиб туриш, тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ёки у тугатилган тақдирда, тегишли ахборот қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан икки иш куни ичида, \_\_\_\_\_ эълон қилинади?**

- A. ўзининг расмий веб-сайтида ва ва фонд биржасининг расмий веб-сайтида
- B. оммавий ахборот воситаларида ва фонд биржасининг расмий веб-сайтида
- C. оммавий ахборот воситаларида
- D. оммавий ахборот воситаларида ва ўзининг расмий веб-сайтида

**Мижознинг топшириғига биноан, миждоз номидан ва унинг ҳисобидан қимматли қоғозларга доир битимлар ҳамда операцияларни амалга оширувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисини кўрсатинг?**

- A. инвестиция воситачиси
- B. инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси
- C. инвестиция маслаҳатчиси
- D. қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси

**Инвестиция воситачиси томонидан фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, тегишли ахборот қанча муддатда эълон қилиниши керак?**

- A. икки иш куни ичида
- B. икки календар куни ичида
- C. уч календар куни ичида
- D. уч иш куни ичида

**Қимматли қоғозларнинг уюшган савдосида қимматли қоғозларга доир битимлар натижалари бўйича қимматли қоғозлардаги ҳисоб-китоблар қим томонидан амалга оширилади?**

- A. Клиринг палатаси
- B. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва (ёки) инвестиция воситачиси
- C. Қимматли қоғозларнинг савдоси ташкилотчиси
- D. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

**Қимматли қоғозларнинг уюшган савдосида қимматли қоғозларга доир битимлар натижалари бўйича пул маблағларининг ҳисоб-китоблари \_\_\_\_\_ томонидан амалга оширилади?**

- A. Клиринг палатаси
- B. Қимматли қоғозларнинг савдоси ташкилотчиси
- C. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва (ёки) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси
- D. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва (ёки) инвестиция воситачиси

**Ҳужжатсиз қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар қайси пайтдан эътиборан олувчига ўтади?**

- A. олувчининг депо ҳисобварағи бўйича тегишли ёзув киритилган пайтдан эътиборан
- B. қимматли қоғоз бланкига тегишли ёзувлар киритилган пайтдан эътиборан
- C. қимматли қоғоз бланки олувчига ўтган пайтдан эътиборан
- D. қимматли қоғозлар эгаларининг реестрига тегишли ёзувлар киритилган пайтдан эътиборан

**Эгасининг номи ёзилган ҳужжатли қимматли қоғозга бўлган мулк ҳуқуқи қайси пайтдан эътиборан олувчига ўтади?**

- A. олувчининг депо ҳисобварағи бўйича тегишли ёзув киритилган пайдан эътиборан
- B. қимматли қоғоз бланкига тегишли ёзувлар киритилган пайдан эътиборан
- C. қимматли қоғозлар эгаларининг реестрига тегишли ёзувлар киритилган пайдан эътиборан
- D. қимматли қоғоз бланки олувчига ўтган пайдан эътиборан

**Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилади?**

- A. давлат корхонаси
- B. масъулияти чекланган жамият
- C. акциядорлик жамияти
- D. давлат муассасаси

**Ўзбекистон Республикасининг Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси хизматлари учун тарифлар ким томонидан тасдиқланади?**

- A. Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан
- B. Вазирлар Маҳкамаси томонидан
- C. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади
- D. Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан

**Қуйида санаб ўтилганлардан қайси бири Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг мутлақ вазифаларига кирмайди?**

- A. депо ҳисобварақлари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳаракати тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва тизимлаштириш
- B. ҳужжатли қимматли қоғозларни сақлаш
- C. қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини юритиш
- D. тўғри жавоб йўқ

**Қуйидаги жавоблардаги қайси ахборот муҳим факт ҳисобланмайди?**

- A. тегишли чорак юзасидан бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
- B. эмитентнинг қайта ташкил этилганлиги, фаолияти тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги
- C. қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг ўзгарганлиги
- D. активларнинг қиймати бир марта 10 фоиздан ортиқроқ миқдорда кўпайтирилганлиги ёки камайирилганлиги

**Эмитент Корпоратив ахборотнинг ягона порталига ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) жойлаштириш йўли билан ошкор қилиши шарт?**

- A. барча жавоблар тўғри
- B. эмитентнинг йиллик ҳисоботини
- C. эмитентнинг биринчи чорак, биринчи ярим йил ва тўққиз ой яқунларига доир ҳисоботини

D. эмитентнинг фаолиятидаги муҳим факт ҳақидаги хабарни

**Эмитент қандай муддат ичида фаолиятидаги муҳим факт ҳақидаги хабарни Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) эълон қилиши шарт?**

- A. у юз берган санадан эътиборан 1 иш куни ичида
- B. у юз берган санадан эътиборан 5 иш куни ичида
- C. у юз берган санадан эътиборан 2 иш куни ичида
- D. у юз берган санадан эътиборан 3 иш куни ичида

**Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси йилнинг бир чораги давомида фақат бир эмитентнинг қимматли қоғозлари билан операциялар амалга оширилганлиги ҳақида Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини қандай муддат ичида хабардор қилади?**

- A. икки календар куни ичида
- B. икки иш куни ичида
- C. уч календар куни ичида
- D. уч иш куни ичида

**Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бир эмитентнинг қимматли қоғозлари билан бир марталик операция, агар бу операция бўйича қимматли қоғозларнинг сони мазкур қимматли қоғозлар умумий сонининг камида 15 фоизини ташкил этган бўлса, уларнинг амалга оширилганлиги ҳақида Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини қандай муддат ичида хабардор қилади?**

- A. икки иш куни ичида
- B. хабардор қилиши шарт эмас
- C. уч иш куни ичида
- D. икки календар куни ичида

**Акциялар эгаси мустақил равишда ёки аффилиланган шахслар билан биргаликда бир ёки бир нечта битим тузиш натижасида акциядорлик жамияти (АЖ) акцияларининг \_\_\_\_\_ ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги ҳақидаги ахборотни ошкор этиши шарт?**

- A. мазкур АЖ устав капиталининг жами 51 ва ундан ортиқ фоизини
- B. мазкур АЖ устав капиталининг жами 66 ва ундан ортиқ фоизини
- C. мазкур АЖ устав капиталининг жами 20 ва ундан ортиқ фоизини
- D. мазкур АЖ устав капиталининг жами 33 ва ундан ортиқ фоизини

**Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари миждозларининг ҳисобварақлари бўйича маълумотлар тергов ва суриштирув органларига берилиши мумкинми?**

- A. ҳа, фақат кўзғатилган жиноят иши бўлган тақдирда
- B. ҳа
- C. йўқ
- D. ҳа, фақат ёзма сўров бўлган тақдирда

**Биржа битимининг мазмуни ҳақидаги ахборот кимга тақдим этилиши мумкин?**

- A. махсус ваколатли давлат органига

- B. монополияга қарши давлат органига
- C. судларга
- D. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига

**Қуйида санаб ўтилган қайси ҳолларда Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига махфий ахборот ошкор қилинади?**

- A. нотуриус сўровига асосан агентлик томонидан мерос ишлари юзасидан нотариал идораларга маълумот берилаётганда
- B. жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ҳолатлар мавжуд бўлганда
- C. у қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактларини кўриб чиқаётганда ва Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти (IOSCO) аъзолари бўлган бошқа давлатларнинг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органларига уларнинг ёзма сўровига кўра ахборот берганда
- D. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ махфий ахборот қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.

**Қимматли қоғозлар бозорида хийла-найранг ишлатиш ва инсайдер ахборотдан фойдаланиш аломатлари қонунчиликка асосан ким томонидан аниқланади?**

- A. Суд томонидан
- B. Монополияга қарши орган томонидан
- C. Маркет-мейкер томонидан
- D. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан

**Қимматли қоғозлар бозорида инсайдер ахборотдан фойдаланиш жумласига \_\_\_\_\_ киради?**

- A. қимматли қоғознинг нархи хусусида чалғитиш мақсадида бошқа ҳаракат содир этиш ва буларнинг натижасида қимматли қоғозлар нархининг, уларга бўлган талабнинг, таклифнинг ёки қимматли қоғозлар савдоси ҳажмининг бундай ҳаракатларсиз шаклланадиган даражадан ўзгариши ёки бундай ҳаракатларсиз шаклланадиган даражадан фарқ қиладиган даражада ушлаб турилиши
- B. қимматли қоғозларни олиш ёки реализация қилиш учун ошкор қилинмаган (тарқатилмаган) ва қимматли қоғозлар бозорининг бир иштирокчисига бошқасига нисбатан устунлик бериши мумкин бўлган ахборотдан фойдаланиш
- C. қимматли қоғозлар бозорида хийла найранг ишлатиш
- D. била туриб ёлғон маълумотларни қасддан тарқатиш
- E. тарафларнинг мажбуриятлари бир шахс ҳисобидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб бажариладиган қимматли қоғозларга доир битимлар тузиш

**Қимматли қоғозлар бозорида хийла-найранг ишлатиш ва инсайдер ахборотдан фойдаланиш факти ким томонидан аниқланади?**

- A. Суд томонидан
- B. Монополияга қарши давлат орган томонидан

- C. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан
- D. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан

**Эмитент ва Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинган, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун даъво муддатини кўрсатинг?**

- A. эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини жойлаштириш муддати тугаган санадан эътиборан бир йил
- B. эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини жойлаштириш тугаган санадан эътиборан олти ой
- C. эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини жойлаштириш тугаган санадан эътиборан уч йил
- D. эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини жойлаштириш тугаган санадан эътиборан бир йил

**Инвестиция маслаҳатчисининг ўз маблағларининг энг кам миқдорини кўрсатинг?**

- A. 10,0 млн. сўм
- B. 50,0 млн. сўм
- C. 50,0 минг евро
- D. 10,0 минг евро

**Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисининг ўз маблағларининг энг кам миқдорини кўрсатинг?**

- A. 10,0 минг евро
- B. 400,0 млн. сўм
- C. 50,0 минг евро

**Инвестиция воситачисининг ўз маблағларининг энг кам миқдорини кўрсатинг?**

- A. 1000 бараваридан кам бўлмаган миқдорда
- B. 50,0 млн. сўм
- C. 100,0 млн. сўм
- D. 100,0 минг евро

**Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси \_\_\_\_\_ миқдорида ўз моддий активларига эга бўлиши керак?**

- A. унинг томонидан бошқариладиган инвестиция активлари ўртача йиллик қийматининг камида 10 фоизи
- B. унинг томонидан бошқариладиган инвестиция активлари ўртача йиллик қийматининг камида 15 фоизи
- C. унинг томонидан бошқариладиган инвестиция активлари ўртача йиллик қийматининг камида 5 фоизи
- D. унинг томонидан бошқариладиган инвестиция активлари ўртача йиллик қиймати

**Ихтиёрий равишда тугатишда инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси бошқарув муассисларини қанча муддатда хабардор қилиши шарт?**

- A. агар шартномада узоқ муддат белгиланмаган бўлса, тугатиш тартибот-қоидаси бошлангунгача уч ойдан кечикмай
- B. тугатиш бошлангунгача уч ойдан кечикмай агар шартномада қисқа муддат белгиланмаган бўлса,
- C. тугатиш тартибот-қоидаси бошлангунгача уч ойдан кечикмай
- D. инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисининг хоҳишига кўра

**Қуйида санаб ўтилганлардан қайси бирини инвестиция фондининг активлари бошқарувини амалга оширувчи ишончли бошқарувчиси таъминлайди?**

- A. қимматли қоғозларни фонд инвестиция қилган барча акциядорлик жамиятларида бошқарув органларида фондининг вакилликни
- B. фонд ҳужжатлари сақланиши ва расмийлаштирилишининг тўғрилигини эълон қилинган дивидендларнинг
- C. фонд акциядорларига ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини
- D. барча жавоблар тўғри

**Қуйидагилардан қайси бири ишончли бошқариш объекти бўлади?**

- A. хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозлари, шу жумладан улар томонидан ишончли бошқарув тўғрисида шартнома тузилган вақтда давлат мулки бўлган қимматли қоғозлар
- B. барча жавоблар тўғри
- C. хўжалик юритувчи субъектларнинг уларни ишончли бошқариш тўғрисида шартнома тузилган вақтда давлат мулки бўлган улушлари (пайлари)
- D. муассис томонидан ишончли бошқарувчига бошқариш учун берилган қимматли қоғозларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган пул маблағлари

**Қуйидагилардан қайсилар инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси муассислари бўлиши мумкин?**

- A. жисмоний ва юридик шахслар
- B. жисмоний ва юридик шахслар давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан ташқари, шунингдек мулкида давлат улуши бўлган корхоналар инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси муассислари бўлиши мумкин.
- C. юридик шахс
- D. давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва мулкида давлат улуши бўлган корхоналар

**Репо битишуви бу...?**

- A. қимматли қоғозларни қайта жойлаштириш бўйича битишув
- B. қимматли қоғозларни устав капиталига бериш бўйича битишув
- C. уларни қайта сотиб олиш шарти билан, қимматли қоғозларнинг олди-сотди битишуви
- D. эмитент томонидан қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш бўйича битишув

**Қимматли қоғозларнинг қайси турлари билан, агар ушбу қимматли қоғозлар жойлаштирилмаган, сотиб олинган ёки бошқа шаклда эмитент ихтиёрига келиб**

**тушган қимматли қоғозлар ҳисобланса, репо битишувини амалга оширишга рухсат берилади?**

- A. облигациялар ва қимматли қоғозлар ҳосилалари
- B. акциялар ва облигациялар
- C. акциялар ва қимматли қоғозлар ҳосилалари
- D. акциялар, облигациялар ва қимматли қоғозлар ҳосилалари

**Репо битишуви қайси санадан эътиборан қучга киради?**

- A. қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органда рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан
- B. марказий депозитарийда рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан
- C. томонлар томонидан имзоланган санадан эътиборан
- D. қимматли қоғозларнинг савдоси ташкилотчисида рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан

**Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчиси ва инвестиция маслаҳатчиси сифатидаги фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш функцияси \_\_\_\_\_ амалга оширилади?**

- A. Молия вазирлиги томонидан
- B. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан Марказий банк билан биргаликда
- C. Марказий банки томонидан Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан биргаликда
- D. Марказий банки томонидан

**Умумқабул қилинган тушунчага мувофиқ корпоратив бошқарувнинг асосий моделларини кўрсатинг?**

- A. немис модели
- B. англо-америка модели
- C. япон модели
- D. барча жавоблар тўғри

**Қуйидагилардан қайси бири ёлғон/чалғитувчи ҳолатларга олиб келадиган вазиятларга кирмайди?**

- A. эгаси ўзгаришига олиб келмайдиган битимни амалга ошириш
- B. агар ўша вақтда мижоз томонидан бошқа иштирокчига ҳам мазкур фонд активлари пакети билан битимлар тузиш учун айнан шундай буйруқ берилганлиги иштирокчига маълум бўлган ҳолда битим тузиш ёки битим тузишга тайёрланиш
- C. репо битими бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки тўлиқ бажармасликка шароит яратиш
- D. тўғри жавоб йўқ

**Фонд биржасининг Арбитраж комиссияси қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларидан ва уларнинг мижозларидан улар ўртасида тузилган**



**шартнома-топширик (комиссия) шартлари тўғрисидаги маълумотни талаб қилиш ҳуқуқига эгами?**

- A. ҳа
- B. йўқ
- C. йўқ, листингга киритилган қимматли қоғозлар билан битим тузилган ҳоллар бундан мустасно
- D. ҳа, фақат биржа битимлари иштирокчиларидан бирининг мазкур битим бўйича келиб чиққан низони кўриб чиқиш сўралган расмий аризаси мавжуд бўлган тақдирда

**Депонент қимматли қоғозларининг рақами, серияси ва бошқа шу каби индивидуал белгиларини ҳисобга олмаган ҳолда уларнинг ҳисоби ва сақлаш усулини кўрсатинг?**

- A. қимматли қоғозларнинг ёпиқ сақланиши
- B. қимматли қоғозларнинг очик ва биргаликда сақланиши
- C. қимматли қоғозларнинг биргаликда сақланиши
- D. тўғри жавоб йўқ

**Депонент қимматли қоғозларнинг рақами, серияси ва бошқа шу каби индивидуал белгилари ҳисобга олган ҳолда қимматли қоғозларининг ҳисоби ва сақлаш усулини кўрсатинг?**

- A. қимматли қоғозларнинг биргаликда сақланиши
- B. қимматли қоғозларнинг ёпиқ сақланиши
- C. қимматли қоғозларнинг очик сақланиши
- D. қимматли қоғозларнинг индивидуал белгиларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмайди

**Депозитар ҳисоб объектларини очиш, ёпиш, реквизитларини ўзгартириш шунингдек шахсий депо ҳисобварақларидаги қолдиқларнинг ўзгаришига олиб келмайдиган депозитарийнинг ҳисоб регистрларидаги бошқа маълумотлар бўйича депозитар операциялар қандай аталади?**

- A. маъмурий операциялари
- B. ахборот операциялари
- C. бухгалтерия операциялари
- D. тўғри жавоб йўқ

**Депо ҳисобварағининг ёпилишига нима асос бўлади?**

- A. депо ҳисобварағининг депозитар шартномасининг бекор қилиниши
- B. шахсий ҳисобварақдаги нол қолдиқ
- C. тўғри жавоб йўқ
- D. депонентнинг топшириғи ёхуд депо ҳисобварағининг депозитар шартномасининг бекор қилиниши

**Андеррайтер томонидан инвесторларга бериладиган инвестиция меморандуми куйидагилардан қайси бирини ўз ичига олади?**

- A. битим тафсилотларини
- B. эмитент ҳақидаги барча зарур маълумотларни
- C. барча жавоблар тўғри

D. қимматли қоғозларни жойлаштириш нархи тўғрисидаги ахборотларни

**Эмитент қимматли қоғозларини чиқариш ва/ёки кафолатланган жойлаштиришни ташкиллаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс \_\_\_\_\_?**

- A. андеррайтер
- B. инвестиция маслаҳатчиси
- C. инвестиция воситачиси
- D. инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси

**Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтерлик фаолиятини ким амалга ошириши мумкин?**

- A. инвестиция маслаҳатчиси
- B. инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси
- C. қимматли қоғозларнинг савдоси ташкилотчиси
- D. инвестиция воситачиси ва тижорат банки

**Қимматли қоғозлар чиқарилиши андеррайтерлари томонидан кафолатланган жойлаштиришнинг мавжуд турларини кўрсатинг?**

- A. фақат тўлиқ кафолатланган жойлаштириш
- B. тўлиқ ва қисман кафолатланган жойлаштириш
- C. фақат қисман кафолатланган жойлаштириш
- D. фақат таъминланмаган кафолатланган жойлаштириш

**Андеррайтер қимматли қоғозларни қисман кафолатланган жойлаштириш бўйича шартнома тузишда дисконт тақдим этилишини эмитентдан талаб қилиш ҳуқуқига эгами?**

- A. ҳа, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари миқдорида
- B. ҳа, эмиссия ҳажмининг 10% дан ошмаган миқдорда
- C. ҳа, агар эмиссия ҳажми 1 млрд. сўмдан ошган ҳолларда
- D. ҳа, шартномада белгиланадиган миқдорда

**Эмитент томонидан унга хизматлар тақдим этиш ҳуқуқи учун андеррайтерни танлаш \_\_\_\_\_ амалга оширилиши мумкин.?**

- A. инвестиция воситачилар ва тижорат банклари — потенциал номзодлар билан андеррайтинг бўйича хизматлар кўрсатиш учун дастлабки музокаралар асосида, ёхуд андеррайтинг бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун оммавий (ёхуд ёпиқ) танлов (тендер) ўтказиш йўли билан
- B. эмитентнинг ўзи томонидан мустқил тарзда
- C. оммвий ёки ёпиқ танлов (тендер) ўтказиш йўли билан
- D. инвестиция воситачилар ва тижорат банклари — потенциал номзодлар билан андеррайтинг бўйича хизматлар кўрсатиш учун дастлабки музокаралар йўли билан

**Андеррайтинг хизматларини кўрсатганлик учун олинадиган воситачилик ҳақининг чегириб қолинадиган қисмини тақсимлаш андеррайтерлар бирлашмаси иштирокчиларининг ўртасида ким томонидан ва қандай амалга оширилади?**

- A. қимматли қоғозларни кафолатли жойлаштириш бўйича қабул қилинган мажбуриятларга мутаносиб равишда андеррайтерлар бирлашмаси томонидан

В. қимматли қоғозларни кафолатли жойлаштириш бўйича қабул қилинган мажбуриятларга мутаносиб равишда эмитент томонидан

С. қимматли қоғозларни кафолатли жойлаштириш бўйича қабул қилинган мажбуриятларга мутаносиб равишда эмитент томонидан танланган андеррайтер томонидан

Д. тенг қисмларга тақсимланган ҳолда андеррайтерлар бирлашмаси томонидан

\_\_\_\_\_ инвестиция воситачиси сифатида қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга?

А. инвестиция воситачиси сифатида қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар

В. банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган тижорат банклари

С. суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган суғуртачилар

Д. барча жавоблар тўғри

**Мижознинг талабига биноан инвестиция воситачиси мижоз оладиган қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласидаги ахборотларни, шунингдек ушбу қимматли қоғозларнинг инвестор томонидан маълумот тақдим этиш тўғрисида талаб қўйилган санадан олдинги \_\_\_\_\_ давомидаги нархлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этади?**

А. бир ой

В. тўқсон кун

С. олти ой

Д. олти ҳафта

**Қуйидаги таърифлардан қайси бири умум қабул қилинган тушунчага мувофиқ «free-float» тушунчаси учун ишлатилиши мумкинми?**

А. чекланмаган муддатли акциялар сони

В. стратегик инвесторларга ва давлатга тегишли бўлган акциялардан ташқари эркин муомалада бўлган акциялар сони

С. йирик акция пакетлари эркин савдоси

Д. инвесторлар эгаллик қиладиган акциялар улуши

**Қуйидаги таърифлардан қайси бири умум қабул қилинган тушунчага мувофиқ «block trade» тушунчаси учун ишлатилиши мумкинми?**

А. стратегик инвесторлар томонидан амалга ошириладиган акциялар савдоси

В. йирик акция пакетини сотиш ёки сотиб олиш

С. эркин муомаладаги акциялар савдоси

Д. ёпиқ муомаладаги акциялар савдоси

**Ишончли бошқарувчининг инвестиция активлари қийматини баҳолаш \_\_\_\_\_ амалга оширилади?**

А. ҳар ойнинг биринчи санасида

В. ҳар йили, ҳисобот давридаги кейинги ойнинг биринчи санасида

С. ҳар ярим йилликда, ҳисобот давридаги кейинги ойнинг биринчи санасида

- D. ҳар чоракда, ҳисобот давридаги кейинги ойнинг биринчи санасида

**Бошқарув таъсисчиси ва (ёки) фойда олувчининг маълумоти учун инвестиция активлари қийматини баҳолаш натижалари ишончли бошқарувчи томонидан қанча муддатда етказилади?**

- A. ишончли бошқарув тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда  
B. икки кундан кечиктирмасдан  
C. уч кундан кечиктирмасдан  
D. бир ҳафта ичида

**Инвестиция активларининг қийматини аниқлашда, ҳисобот даврининг охирида қайси турдаги қимматли қоғозлар ушбу қимматли қоғозлар ҳисобот даврида сотилган ўртача нарх асосида қайта баҳоланиши керак?**

- A. барча жавоблар тўғри  
B. листингга киритилган эмитентларнинг қимматли қоғозлари  
C. биржа савдолари майдончаларидаги савдоларда котировка қилинаётган қимматли қоғозлар  
D. биржадан ташқари савдолар майдончаларидаги савдоларда котировка қилинаётган қимматли қоғозлари

**Ишончли бошқарувчининг ишончли бошқарувида бўлган инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини ҳисоблаш формуласини кўрсатинг агар, SA – ўртача йиллик, A1 – ҳисобот чорагидаги инвестиция активларининг баҳоланган қиймати, A2 – ўтган чоракдаги инвестиция активларининг баҳоланган қиймати, A3 – аввалги икки чоракдаги инвестиция активларининг баҳоланган қиймати, A4 – аввалги уч чоракдаги инвестиция активларининг баҳоланган қиймати.?**

- A.  $SA = \text{квадрат илдиз}(A1 \text{ квадрати} + A2 \text{ квадрати} + A3 \text{ квадрати} + A4 \text{ квадрати})$   
B.  $SA = (A1 + A2 + A3 + A4)/12$   
C.  $SA = (A1 + A2 + A3 + A4)/4$   
D.  $SA = \text{квадрат илдиз}(A1A2A3A4)$

**Ким қимматли қоғозлар бозорида институционал инвестор бўлиб ҳисобланмайди?**

- A. фонд биржаси ва биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси  
B. суғуртачилар  
C. тижорат банклари  
D. инвестиция фондлари

**Қуйидагилардан қайси бири институционал инвесторларнинг асосий функцияси ҳисобланади?**

- A. кўчмас мулкка пул маблағларини жалб қилиш  
B. капитални кўпайтиришни таъминлаш  
C. қимматли қоғозларга фаол равишда пул маблағларини қўйиш  
D. капитални ликвидли шаклда сақланишини таъминлаш

**Манфаатларда юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни олдини олиш мақсадида, институционал инвесторнинг таъсисчилари ва мансабдор шахслари инвестиция қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилувчи органга, \_\_\_\_\_ ўзининг инвестиция объекти билан аффилиланганлиги тўғрисида ахборот бериши керак?**

- A. тегишли қарор қабул қилинган куни
- B. тегишли қарор қабул қилингунга қадар
- C. тегишли қарор қабул қилингандан кейин икки кун ичида
- D. тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун ичида

**Институционал инвесторнинг ижроия органи институционал инвесторнинг таъсисчилари олдида, қандай даврийликда қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тўғрисида ҳисобот беришга мажбур?**

- A. ҳар ой
- B. ҳар чорак
- C. ярим йилда
- D. ҳар йили

**Қимматли қоғозлар чиқарилишини, шунингдек, аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилгандан кейин эмитент қанча муддатда Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига фақат ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилган ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга?**

- A. рад этиш сабабини ўз ичига олган ёзма билдиришномани олган кундан бошлаб икки ой мобайнида
- B. рад этиш сабабини ўз ичига олган ёзма билдиришномани олган кундан бошлаб бир ой мобайнида
- C. рад этиш сабабини ўз ичига олган ёзма билдиришномани олган кундан бошлаб ўн беш кун мобайнида
- D. рад этиш сабабини ўз ичига олган ёзма билдиришномани олган кундан бошлаб уч ой мобайнида

**Давлат корхонасини қайта тузиш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятини таъсис этишда рисола (акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор) ким томонидан тасдиқланади?**

- A. жамият кузатув кенгашининг раиси томонидан тасдиқланади
- B. жамиятнинг директори (бошқарув раиси) томонидан тасдиқланади
- C. Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий органи томонидан тасдиқланади
- D. Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан маҳаллий ҳокимлик органлари билан келишилган ҳолда тасдиқланади

**Эмитент қимматли қоғозлар чиқарилишини (чиқаришларини) Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестри ЯДРдан чиқаришга асослар пайдо бўлгандан бошлаб қанча муддатда керакли ҳужжатларни Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига тақдим этиши шарт?**

- A. 5 кун мобайнида

- B. 30 кун мобайнида
- C. 10 кун мобайнида
- D. 5 иш куни мобайнида

**Акциядорлик жамиятининг (уни таъсис этишд муассислари орасида жойлаштириладиган акцияларнинг пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари-бу \_\_\_\_\_?**

- A. акцияларни қўшимча чиқариш
- B. акцияларнинг ёпиқ обунаси
- C. акцияларнинг янги чиқарилиши
- D. акцияларни бирламчи чиқариш

**Эмиссияни амалга ошмаган деб топиш тўғрисидаги Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг қарорини олган вақтдан бошлаб эмитент \_\_\_\_\_ мобайнида бу тўғрисидаги ахборотни ошкор этиши шарт?**

- A. 3 иш куни мобайнида
- B. 5 иш куни мобайнида
- C. 10 иш куни мобайнида
- D. 2 иш куни мобайнида

**Қимматли қоғозлар эмиссияси бу- \_\_\_\_\_?**

- A. эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш
- B. эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш
- C. эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш
- D. эмиссиявий қимматли қоғозларнинг муомаласи

**Акциядорлик жамиятининг илгари чиқарилган қимматли қоғозлар тўлиқ жойлаштирилгандан сўнг амалга ошириладиган қимматли қоғозларнинг айирбошлаш (номинал қийматининг ўзгариши, ҳуқуқларнинг ўзгариши, йириклаштириш ва майдалаш) йўли билан пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари бу - \_\_\_\_\_?**

- A. қимматли қоғозларнинг янги чиқарилиши
- B. акцияларни бирламчи чиқариш
- C. акцияларни қўшимча чиқариш
- D. қимматли қоғозларни қўшимча жойлаштириш

**Бир чиқарилиш доирасида турли қимматли қоғозлар турларини чиқаришга йўл қўйиладими?**

A. ҳа, агар бир чиқарилиш доирасида оддий ва имтиёзли акцияларни жойлаштириш амалга оширилса назарда тутувчи акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинса

- B. ҳа
- C. йўқ

D. ҳа, агар акциялар ва акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқарилиши амалга оширилса

**Куйида санаб ўтилганлардан қайси бири қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилиши мумкин эмас?**

- A. қимматли қоғозлар чиқарилишини ҳақиқий эмас деб топиш
- B. қимматли қоғозлар чиқарилишини тўхтатиб қўйиш
- C. қимматли қоғозлар чиқарилишини ЯДРдан чиқарилиши
- D. қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топиш

**Қайси ҳолларда эмитент томонидан пасайтирилган номинал қийматга эга акцияларнинг янги чиқарилиши амалга оширилади?**

- A. устав капиталини акциялар сонини қисқартириш йўли билан камайтиришда
- B. устав капиталини жойлаштирилган акциялар номинал қийматини пасайтириш йўли билан камайтиришда
- C. белгиланган муддатда акциялар чиқарилишининг 30 фоиздан кам қисмини жойлаштиришда
- D. устав капиталини номинал қиймати пасайтирилган акциялар чиқариш йўли билан кўпайтиришда

**Эмитент акциядорлик жамияти шаклидаги юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб қанча муддатда Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига акцияларнинг бирламчи чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиши шарт?**

- A. ўттиз кундан кечиктирмасдан
- B. қирқ беш кундан кечиктирмасдан
- C. икки ойдан кечиктирмасдан
- D. ўн беш кундан кечиктирмасдан

**Эмитент қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишга ҳужжатларни Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига қанча муддатда тақдим этиши шарт?**

- A. қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 ой ичида
- B. қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой ичида
- C. қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор тасдиқланган кундан бошлаб 2 ой ичида, бироқ қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарорни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кечиктирмасдан
- D. қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 ой ичида, бироқ қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарорни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 ойдан кечиктирмасдан

**Қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришнома ким томонидан имзоланади?**

- A. эмитентнинг раҳбари томонидан
- B. эмитентнинг раҳбари ва бош бухгалтери ёки уларнинг вазифаларини бажарувчи шахслар томонидан
- C. эмитентнинг раҳбари ва бош юристконсулти томонидан
- D. эмитент кузатув кенгашининг раиси ва раҳбари томонидан

**Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати \_\_\_\_\_?**

- A. улар олинган санадан бошлаб 10 кун
- B. улар олинган санадан бошлаб 20 кун
- C. улар олинган санадан бошлаб 30 кун
- D. эмитентнинг ваколатли органи томонидан қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор тасдиқланган пайтдан бошлаб 30 кун

**Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорнинг нусхалари матнида фарқлар мавжуд бўлганда ҳужжатнинг қайси матни имтиёзли кучга эга бўлади?**

- A. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида сақланаётган ҳужжатнинг матни
- B. эмитентда сақланаётган ҳужжатнинг матни
- C. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида сақланаётган ҳужжатнинг матни
- D. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида сақланаётган ҳужжатнинг матни

**Қимматли қоғозлар қўшимча чиқарилган ҳолларда уларни жойлаштирилиши қачон тугалланиши керак?**

- A. қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда, лекин қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмасдан
- B. қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида
- C. қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда, лекин эмитентнинг акциядорлик жамияти шаклидаги юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмасдан
- D. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган муддатда, лекин қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмасдан

**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш қаерда амалга оширилиши керак?**

- A. эмитент юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган жойда
- B. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида
- C. эмитентнинг танловига кўра
- D. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи

**Қимматли қоғозлар ва (ёки) улушларни айирбошлаш қанча муддатда амалга оширилиши керак?**

- A. қимматли қоғозларни чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 1 ойдан кечиктирмасдан
- B. қимматли қоғозларни чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 2 ойдан кечиктирмасдан



С. қимматли қоғозларни чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 3 ойдан кечиктирмасдан

Д. қимматли қоғозларни чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 15 календарь кундан кечиктирмасдан

**Эмитентнинг устав капитали ўз капитали ҳисобидан тўланадиган қўшимча акциялар чиқарилиши орқали оширилиб, акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимланган ҳолда акцияларни эмитентнинг акциядорлари ўртасида жойлаштириш \_\_\_\_\_ амалга оширилади?**

А. агар акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорда бошқача белгиланмаган бўлса, ҳеч қандай шартномалар тузилмаган ҳолда

В. эмитент олий бошқарув органининг ўз капиталини устав капиталига йўналтириш тўғрисидаги қарори асосида ҳеч қандай шартномалар тузилмаган ҳолда

С. акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб бир ой ичида, шартнома тузиш орқали

Д. акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб икки ҳафта ичида, келишув тузиш орқали

**Эмитент қимматли қоғозларни очиқ обуна йўли билан жойлаштиришда қимматли қоғозларни норезидентлар томонидан олинishiга чекловлар жорий этиши мумкинми?**

А. мумкин, агар қимматли қоғозлар чиқарилиши тижорат банки томонидан амалга оширилса

В. мумкин эмас, чунки бу бир инвесторнинг бошқаси олдидаги устунлигини белгилашдир

С. мумкин эмас, чунки Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Д. мумкин, қонун ҳужжатларида ва (ёки) эмитент уставида чекловлар мавжуд бўлса

**Қимматли қоғозлар чиқарилишини Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестри (ЯДР)дан чиқариш қимматли қоғозлар чиқарилишига аввал берилган давлат рўйхат рақамини бекор қилиш орқали қайси ҳолатларда амалга оширилади?**

А. чиқариш амалга ошмаган деб топилганда

В. эмитент қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда

С. тегишли суд қарори мавжуд бўлганда

Д. барча жавоблар тўғри

**Акциядорлик жамиятлари ва қимматли қоғозлар бошқа эмитентларининг қонунчиликка асосан ошкор қилиниши керак бўлган ахборотлари эълон қилинадиган веб-сайт қандай номланади?**

А. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали

В. Корпоратив ахборот ягона портали

С. Акциядорлик жамиятлари ва қимматли қоғозлар бошқа эмитентларининг ягона портали

Д. Ўзбекистон Республикасининг очиқ маълумотлар портали

**Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиси нотўғри маълумотларни ошкор қилганлиги сабабли, у аниқланган кундан бошлаб, \_\_\_\_\_ давомида ушбу маълумотларни ахборотни ўзгартириш сабабларини кўрсатган ҳолда яна шу йўсинда ошкор қилиш йўли билан тўғрилашга доир чоралар кўриши лозим?**

- A. 2 иш куни
- B. 3 календар куни
- C. 5 иш куни
- D. 10 календар куни

**Эмитент йиллик ҳисоботни Корпоратив ахборот ягона портали “www.openinfo.uz”га жойлаштириш орқали \_\_\_\_\_ ошкор қилишга мажбур?**

- A. ҳар йили, кейинги ҳисобот йилининг 1 майдан кечиктирмасдан
- B. акциядорларнинг ёки эмитентнинг бошқа олий бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилганидан кейин икки иш куни ичида
- C. акциядорларнинг ёки эмитентнинг бошқа олий бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилганидан кейин бир ой ичида
- D. акциядорларнинг ёки эмитентнинг бошқа олий бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилганидан кейин икки ҳафта ичида

**Акциядорлик жамиятлари, шунингдек суғурта ташкилотлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар банклар ҳар йилги молиявий ҳисоботни қанча муддатда эълон қилиши шарт?**

- A. акциядорларнинг ёки бошқа юқори бошқарув органининг йиллик умумий йиғилишининг хоҳишига кўра
- B. акциядорларнинг ёки бошқа юқори бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган санадан икки ҳафта кейин аудиторлик хулосаси билан бирга
- C. кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги аудитор томонидан тасдиқланганидан сўнг кейинги ҳисобот йилининг 10 январидан кечиктирмасдан
- D. акциядорларнинг ёки бошқа юқори бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин аудиторлик хулосаси билан бирга

**Акциядорлик жамиятининг хусусий капитали нималардан таркиб топади?**

- A. устав капиталидан
- B. қўшилган капиталдан
- C. захира капиталидан
- D. барча жавоблар тўғри

**Эмитент эмитентнинг Корпоратив ахборот ягона портали “www.openinfo.uz”га жойлаштириш орқали фаолиятидаги муҳим факт ҳақидаги хабарни \_\_\_\_\_ ошкор қилишга мажбур?**

- A. у юз берган санадан эътиборан икки кун ичида
- B. у юз берган санадан эътиборан икки иш куни ичида
- C. у юз берган санадан эътиборан беш иш куни ичида
- D. у юз берган санадан эътиборан беш кун ичида

**Қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчилари \_\_\_\_\_ ошкор қилади?**

А. савдода битимлар тузиш қоидаларини ва савдога қўйишга рухсат берилган қимматли қоғозлар рўйхатини ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органнинг талабига кўра инвесторларнинг ёки қимматли қоғозлар эгаларининг аризаларини, таклифларини ва шикоятларини кўриб чиқиш яқунлари ҳақидаги ахборотни

В. листинг компанияларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни

С. Миқдорларнинг ҳисобварақлари бўйича маълумотлар

Д. қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи

**Акциялар эгаси аффилиланган шахслар билан биргаликда бир ёки бир нечта битим тузиш натижасида акциядорлик жамияти акцияларининг мазкур акциядорлик жамияти устав капиталининг жами \_\_\_\_\_ ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги ҳақидаги ахборотни ошқор қилиши шарт?**

А. 20 ва ундан ортиқ фоизини

В. 35 ва ундан ортиқ донасини

С. 20 ва ундан ортиқ донасини

Д. 35 ва ундан ортиқ фоизини

**Ходимга махфий ахборотдан фойдаланишга рухсатнома \_\_\_\_\_ тақдим этилади?**

А. эмитент кузатув кенгашининг қарорига кўра

В. эмитент юқори бошқарув органининг қарорига кўра

С. муайян шартларга риоя этилганда эмитент ижроия органининг раҳбари томонидан

Д. ички аудит хизмати томонидан

**Қуйидаги шахслар эмитентнинг махфий ахборотидан фойдаланиш имкониятига эгадирлар?**

А. ўз лавозим мажбуриятларига мувофиқ махфий ахборотдан фойдаланишга рухсатнома олган ходимлар

В. миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси, эмитент ижроия органининг раҳбарининг тегишли рухсатномаси бўлса

С. эмитент ижроия органининг раҳбари

Д. барча жавоблар тўғри

**Профессионал иштирокчиларнинг махфий ахборотидан фойдаланиш имкониятига эга \_\_\_\_\_?**

А. профессионал иштирокчининг раҳбари ва назоратчиси ва ўз лавозим мажбуриятларига мувофиқ махфий ахборотдан фойдаланишга рухсатнома олган ходимлар

В. ўз лавозим мажбуриятларига мувофиқ махфий ахборотдан фойдаланишга рухсатнома олган ходимлар

С. фонд биржасининг қарорига асосан фойдаланиш ҳуқуқи берилган ҳар қандай шахс

Д. барча жавоблар тўғри

**Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисининг махфий ахборотини муҳофаза этишни ташкил этиш ва устидан назорат қилиш юклатилади \_\_\_\_\_?**

- A. профессионал иштирокчи назоратчисига
- B. профессионал иштирокчи раҳбарига
- C. профессионал иштирокчи раҳбари ва назоратчисига
- D. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси назоратчисига

**«Биржа» тушунчасининг қонунчиликдаги таърифини кўрсатинг?**

- A. Биржа – биржа товарлари савдоси учун шарт-шароит яратиб берувчи юридик шахс
- B. Биржа – олдиндан белгиланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида очиқ ва ошкора биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш учун шарт-шароит яратиб берувчи юридик шахс, қимматли қоғозлар савдоси бундан мустасно
- C. Биржа – олдиндан белгиланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида биржа савдоларини ташкил этувчи юридик шахс
- D. Биржа – олдиндан белгиланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида очиқ ва ошкора биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали биржа товарлари савдоси учун шарт-шароит яратиб берувчи юридик шахс

**Биржалар фаолиятини тартибга солиш тартиби ким томонидан белгиланади?**

- A. Вазирлар Маҳкамаси томонидан
- B. Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан
- C. қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан
- D. Давлат активларини бошқариш агентлиги

**Қонунчиликда белгиланган биржа ҳуқуқларини кўрсатинг?**

- A. агар биржа товарларининг котировкалари (нархлари) биржа томонидан белгиланган чегаравий миқдордан ўзгариб кетса, биржа савдоларини тўхтатиш
- B. барча жавоблар тўғри
- C. қонунчиликка мувофиқ танлов, кимошди, кўргазма-ярмарка савдоларини, давлат харидлари ва корпоратив харидларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш
- D. котировкалаш, арбитраж, листинг, назорат ва бошқа биржа комиссияларини ташкил этиш

**Қуйида санаб ўтилганлардан ким биржа аъзоси ҳисобланади?**

- A. белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олган юридик шахслар
- B. биржа кузатув кенгаши аъзолари
- C. биржа бошқарув аъзолари
- D. дилер, маркет-мейкер ёки брокер сифатида фаолият юритиш учун лицензияга эга юридик шахслар

**Биржа товарларининг уларни кечиктирмасдан етказиб бериш шарти билан тузиладиган олди-сотди битимлари нима деб номланади?**

- A. форвардлар

- B. фьючерслар
- C. спот
- D. опционлар

**Биржа котировкаси варағига киритилган товар \_\_\_\_\_ хисобланади?**

- A. аниқ харидорларга эга товар
- B. листинг йиғимлари тўланган товар
- C. юқори ликвидликка эга товар
- D. биржа савдоларига қўйилган товар

**Ўзи эълон қилган ёки қабул қилган шартлар асосида битимларни тузиш мажбуриятини олган ҳолда, маркет-мейкер томонидан бир вақтнинг ўзида эълон қилинган қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш нархлари?**

- A. тўғри жавоб йўқ
- B. ёпилиш нархи
- C. учёқлама катировка
- D. очилиш нархи

**Савдо сессияси бошланишидан аввал пул маблағлари ва қимматли қоғозлар лимитининг мувофиқлигини ким аниқлайди?**

- A. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси
- B. савдолар ташкилотчиси
- C. инвестиция воситачиси
- D. қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи

**Қимматли қоғозлар эгаларини ўзгартирмасдан туриб битимлар тузилишига олиб келадиган буюртмаларни қаноатлантирилишига йўл қўйиладими?**

- A. йўл қўйилади
- B. йўл қўйилади, агар бу фонд биржасининг қоидаларида назарда тутилган бўлса
- C. йўл қўйилмайди, агар бу савдо ташкилотчиси билан келишилмаган бўлса
- D. йўл қўйилмайди

**Маркет-мейкер ўз хизматларини амалга ошириш учун қуйида келтирилган қайси шахслардан қарз маблағларини жалб қилишга ҳақли эмас?**

- A. резидент жисмоний шахслардан ва норезидент жисмоний ва юридик шахслардан
- B. резидент юридик шахслардан
- C. норезидент жисмоний ва юридик шахслардан
- D. тўғри жавоб йўқ

**Қайси муддатда маркет-мейкер жалб қилинган қарз маблағларининг миқдори тўғрисидаги маълумотни фонд биржасига тақдим қилади?**

- A. ҳар чорак якунидан сўнг уч иш куни ичида
- B. ҳар чорак якунидан сўнг беш иш куни ичида
- C. йил якунидан сўнг икки кун ичида йилига бир марта
- D. ҳар чорак якунидан сўнг икки иш кунидан кечиктирмасдан

**Маркет-мейкер ҳар чорак якунидан сўнг икки иш кунидан кечиктирмасдан иккиёқлама катировкаларни амалга ошириш учун жалб қилинган қарз маблағлари миқдори тўғрисида маълумотни кимга тақдим қилади?**

- A. савдолар ташкилотчисига
- B. эмитентга
- C. қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига
- D. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига

**Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қайси халқаро ташкилотнинг аъзоси ҳисобланади?**

- A. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти (OECD)
- B. Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти (IOSCO)
- C. Европа қимматли қоғозлар ва бозорлар ташкилоти (ESMA)
- D. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари кенгаши (IASB)

**Умум қабул қилинган тушунчага асосан қуйида санаб ўтилганлардан қайси жумла «dark pool» термини учун фойдаланилиши мумкин?**

- A. биржа бозорининг кўпчилик иштрокчиларидан яширин ҳисобланган савдо ҳажми ёки ликвидлиги
- B. дискрет аукцион шаклида ўтадиган акцияларнинг йирик блоклари олди-сотдиси учун мўлжалланган савдоларнинг алоҳида режими
- C. битим тузишда тарафлар белгилаган нарх бўйича келгусида товарни етказиб бериш стандарт шартномаси
- D. фоизлар, солиқлар ва амортизация ҳисоблашдан олдинги фойда

**Ким томонидан қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширувчи суғурталовчиларнинг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш амалга оширилади?**

- A. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан
- B. Молия вазирлиги томонидан
- C. Молия вазирлиги томонидан Марказий банк билан биргаликда
- D. Марказий банк томонидан

**Қимматли қоғозлар эгаларининг реестрида қимматли қоғозларнинг эгалари тўғрисидаги ахборот гуруҳларга ажратилган бўлиши керак?**

- A. қимматли қоғозлар номинал сақловчилар ва инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар
- B. юридик шахслар, жисмоний шахслар ва инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар
- C. юридик шахслар, жисмоний шахслар ва қимматли қоғозлар номинал сақловчилар
- D. юридик шахслар ва жисмоний шахслар

**Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун акциялар эгаларининг реестрларини шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома Марказий депозитарийга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан \_\_\_\_\_ дан кечиктирилмасдан тақдим этилади (юборилади)?**

- A. уч иш куни
- B. икки календар куни
- C. икки иш куни
- D. уч календар куни

**Корпоратив облигациялар реестрини шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома эмитент томонидан Марказий депозитарийга реестр шакллантирилиши керак бўлган санагача \_\_\_\_\_ дан кечиктирмасдан такдим этилади.?**

- A. беш иш куни
- B. уч иш куни
- C. уч календар куни
- D. икки иш куни

**Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш ва унда иштирок этиш учун реестрлар Марказий депозитарий томонидан қуйидагича берилади?**

A. электрон ташувчи қурилмада электрон ҳужжат кўринишида реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани бажариш санасидан сўнг икки иш кунидан кечиктирмасдан

B. электрон почта орқали электрон ҳужжат кўринишида реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани бажариш санасидан сўнг бир иш кунидан кечиктирмасдан

C. қоғоз ҳужжат кўринишида реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани бажариш санасидан сўнг икки иш кунидан кечиктирмасдан

D. барча жавоблар тўғри

**Реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома Марказий депозитарий томонидан тегишли инвестиция воситачиларидан мазкур эмитент қимматли қоғозлари эгаларининг рўйхатлари қабул қилинганидан сўнг \_\_\_\_\_ давомида бажарилади?**

- A. бир иш куни давомида
- B. икки иш куни давомида
- C. уч иш куни давомида
- D. беш иш куни давомида

**Нотариал тасдиқланган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш, унинг нотариус томонидан тасдиқланган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ муддатда амалга оширилади?**

- A. 15 иш кунидан кеч бўлмаган
- B. 5 иш кунидан кеч бўлмаган
- C. 10 иш кунидан кеч бўлмаган
- D. 3 иш кунидан кеч бўлмаган

**Қимматли қоғозлар гаров битимларини (биржадан ташқари қиммат қоғозлар билан битимлар) ва Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан тузилган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатга олиш қайси муддатда амалга оширилади?**

- A. улар тузилганидан кейин 5 иш куни давомида
- B. улар тузилганидан кейин 2 иш куни давомида
- C. битим тузилган куни
- D. улар тузилганидан кейин 3 иш куни давомида

**\_\_\_\_\_ акциядорлик жамияти деб эътироф этилади?**

- A. товарлар ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва реализация қилиш бўйича фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс, шу билан бирга хорижий юридик шахс, хўжалик бошқарув органи, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор
- B. устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдордаги улушларга тақсимланган бир ёки бир нечта шахслар томонидан таъсис этилган хўжалик жамияти.
- C. Унинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзлари киритган қўйилмалар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига оладилар
- D. устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти
- E. устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект

**Акциядорлик жамияти қайси пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади ва у қанча муддатга тузилади?**

- A. жамият давлат рўйхатидан ўтган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади ва агар жамият уставида бошқача белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади
- B. жамиятнинг бирламчи акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади ва агар жамият уставида бошқача белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади
- C. жамият давлат рўйхатидан ўтган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади ва 49 йилга, агар жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса
- D. жамиятнинг бирламчи акциялар чиқарилиши жойлаштирилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади ва агар жамият уставида бошқача белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади

**Қандай ҳолатда акциядор жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга?**

- A. агар у жамият акцияларининг 10 фоизи эгаси ҳисобланса
- B. агар у жамият акцияларининг 50 фоизидан ортиғи эгаси ҳисобланса
- C. агар у жамият муассиси ҳисобланса
- D. агар ушбу ҳуқуқ жамият уставида белгиланган бўлса

**Акциядорлик жамияти қандай усулларда ташкил этилиши мумкин?**

- A. Юридик шахсни таъсис этиш ёки қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) йўли билан
- B. қўшиб юбориш ва қўшиб олиш йўли билан
- C. қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва бўлиш йўли билан



D. қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ўзгартириш йўли билан

**Давлат ташкилоти акциядорлик жамияти этиб ўзгартирилаётганда ким жамият таъсисчиси ҳисобланади?**

- A. қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи
- B. жамиятни юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказувчи орган
- C. давлат ташкилотининг раҳбари
- D. давлат мулкани тасарруф этишга ваколатли орган

**Акциядорлик жамияти қайси муддатда акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги, кузатув кенгаши, ижроия органи ҳақидаги ва тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисидаги низомларни тасдиқлаши шарт?**

- A. жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан уч ой ичида
- B. бирламчи акциялар чиқарилиши санасидан икки ой ичида
- C. жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан олти ойдан кўп бўлмаган муддатда
- D. жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бир йилда

**Акциядорлик жамияти ҳар хил номинал қийматга эга акциялар чиқариши мумкинми?**

- A. мумин эмас
- B. мумкин
- C. мумкин, фақат қўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда
- D. мумкин, фақат имтиёзли акциялар бўйича

**Акциядорлик жамияти томонидан жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати \_\_\_\_\_дан ошмаслиги керак?**

- A. жамият устав капиталининг 33 фоизи
- B. жамият соф активлари қийматининг 25 фоизи
- C. жамият соф активлари қийматининг 20 фоизи
- D. жамият устав капиталининг 25 фоизи

**Акциядорлик жамияти устав капиталининг бирламчи шакллантирилиши қанча муддатдан ошмаслиги лозим?**

- A. жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан олти ой мобайнида
- B. жамият акциялари чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бир йил мобайнида
- C. жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бир йил мобайнида
- D. жамият акциялари чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан олти ой мобайнида

**Акциядорлик жамиятининг устав капитали кўпайтирилиши мумкин?**

- A. қўшимча акциялар жойлаштириш йўли орқали
- B. акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш йўли орқали
- C. имтиёзли акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш йўли орқали

D. фақат қўшимча оддий акциялар жойлаштириш йўли орқали

**Қўшимча акциялар фақат \_\_\_\_\_ доирасида жойлаштирилиши мумкин?**

- A. фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони
- B. устав капитали шакллантирилган миқдори
- C. давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган рухсати мавжуд бўлган акциялар сони
- D. ўз капитали миқдори

**Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли орқали кўпайтириш \_\_\_\_\_ ҳисобидан амалга оширилиши мумкин?**

- A. жалб қилинган инвестициялар ҳамда жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан
- B. жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан
- C. кредитлар ҳисобидан
- D. ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан

**Акциядорлик жамиятининг устав капитали ўзининг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан кўпайтирилса, акциялар кимга жойлаштирилади?**

- A. акциядорлик жамиятининг устав капиталини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишидан ўттиз кун олдин шакллантирилган реестрдаги акс эттирилган шахсларга
- B. оддий акция эгаларига
- C. барча акциядорларга
- D. имтиёзли акция эгаларига

**Кредиторлар қайси муддатда акциядорлик жамиятидан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини талаб қилишга ҳақли?**

- A. ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан икки ойдан кечиктирмасдан
- B. ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан
- C. ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўн кундан кечиктирмасдан
- D. ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмасдан

**Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга ёки корпоратив облигацияларга айрибошлашга йўл қўйилладими?**

- A. йўл қўйилади, агар бу уставда белгиланган бўлса
- B. йўл қўйилади, агар бу миноритар акциядорлар кўмитасининг қарори билан белгиланган бўлса
- C. йўл қўйилмайди
- D. йўл қўйилади, фақат имтиёзли акцияларга

**Бир дона акциянинг номинал қиймати қонунчилик талабларига мос келмайдиган миқдорни кўрсатинг?**

- A. 5 000 сўм
- B. 10 000 сўм
- C. 100 сўм
- D. 1 сўм

**«Қимматли қоғознинг бозор қиймати» тушунчасининг норматив таърифни кўрсатинг?**

A. энг эҳтимол тутилган нарх тушунилиб, унга кўра мазкур қимматли қоғоз очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулудда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди

B. қимматли қоғознинг биржа, танлов ва аукцион савдоларда бошқа шахсга берилиши мумкин бўлган энг эҳтимол тутилган нархи тушунилади

C. энг эҳтимол тутилган нарх тушунилиб, унда баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган бирор-бир фавқулудда ҳолат акс этмайди

D. энг эҳтимол тутилган нарх тушунилиб, унга кўра ушбу қимматли қоғоз фонд биржасида битимнинг тарафлари ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қилган ҳолда бошқа шахсга берилиши мумкин

**Имтиёзли акциялар бўйича дивиденд миқдори ва тугатилиш қиймати \_\_\_\_\_?**

- A. барча жавоблар тўғри
- B. имтиёзли акцияларининг номинал қийматига нисбатан фоизларда белгиланади
- C. акциядорлик жамияти уставида кўрсатилган тартибда белгиланади
- D. қатъий пул суммасида белгиланади

**Қандай қимматли қоғозларни оддий акцияларга айрибошлаш мумкин?**

- A. имтиёзли акциялар ва депозит сертификатлари
- B. корпоратив облигациялар ва имтиёзли акциялар
- C. инфратузилма облигациялар ва имтиёзли акциялар
- D. корпоратив облигациялар ва инфратузилма облигациялар

**Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган такдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг \_\_\_\_\_ қабул қилиниши керак.?**

- A. барча аъзолари томонидан бир овоздан
- B. барча аъзолари учдан икки қисмининг овози билан
- C. барча аъзолари кўпчилик овози билан
- D. ушбу қарор қабул қилинаётган кузатув кенгаши мажлисида қатнашаётган аъзолар томонидан бир овоздан

**Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш \_\_\_\_\_ амалга оширилади?**

- A. мол-мулк билан
- B. пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳужужлар билан
- C. пул ва бошқа тўлов воситалари билан
- D. барча жавоблар тўғри

**Акциядорлик жамиятининг соф фойдасидан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантириладиган захира фонди устав капиталининг нечи фоизини ташкил этиши лозим?**

- A. 15 фоиздан кўп бўлмаган
- B. 20 фоиздан кўп бўлмаган
- C. 15 фоиздан кам бўлмаган
- D. 25 фоиздан кам бўлмаган

**Жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар захира фондига акциядорлик жамиятининг ҳар йилги ажратмалари энг кам миқдорини кўрсатинг?**

- A. соф фойданинг 5 фоиздан кам бўлмаган
- B. соф фойданинг 10 фоиздан кам бўлмаган
- C. устав капиталининг 5 фоиздан кам бўлмаган
- D. соф активларнинг 5 фоизида кам бўлмаган

**Жамият соф фойдасидан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантириладиган акциядорлик жамияти захира фонди қандай мақсадлар учун мўлжалланган (тўлиқ рўйхатни кўрсатинг)?**

A. бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўринини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш

B. бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўринини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун

C. бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун

D. бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўринини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун

**Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, жамият \_\_\_\_\_ сифатида белгиланади?**

- A. активлари ва мажбуриятлари умумий суммаси ўртасидаги фарқ
- B. устав капитали ва активлари ўртасидаги фарқ
- C. активлари ва эмиссиявий даромадлари ўртасидаги фарқ
- D. устав капитали ва эмиссиявий даромад ўртасидаги фарқ
- E. активлари ва мажбуриятлари умумий суммаси ўртасидаги фарқ

**Куйида санаб ўтилган қайси ҳолларда акциядорлик жамияти ўзининг тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилиши шарт?**

A. агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йил тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати жамият устав капиталининг энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса

B. агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ соф активларининг қиймати унинг захира фондидан оз бўлиб чиқса

C. агар молия йили тугаганидан кейин аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ соф активларининг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 100 000 баробаридан оз бўлиб чиқса

D. агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ соф активларининг қиймати унинг устав капиталидан оз бўлиб чиқса

**Қайси муддатда жамиятнинг дастлабки акциялар чиқарилиши жойлаштирилган бўлиши шарт?**

A. жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида

B. акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида

C. жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида

D. акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида

**Акциядорлик жамияти томонидан жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати \_\_\_\_\_?**

A. жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак

B. акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак

C. жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан олти ойдан ошмаслиги керак

D. акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан олти ойдан ошмаслиги керак

**"Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши қайси ҳолларда амалга ошмаган деб эътироф этилади?"**

1. Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларнинг олтимиш фоиздан кам қисми уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда хусусий жойлаштирилган тақдирда

2. Мазкур чиқарилишни тўхтатиб туришга олиб келган қоидабузарликлар жамият томонидан бартараф этилмаган тақдирда

3. Агар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозлар умумий миқдорининг 30 фоиздан кам қисмини ташкил этса

4. Агар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозлар умумий миқдорининг камида 50 фоиз қисмини ташкил этса? "

- A. 2, 3, 4 жавоблар тўғри
- B. 1, 2, 3 жавоблар тўғри
- C. 1, 2, 4 жавоблар тўғри
- D. 1 ва 2 жавоблар тўғри

**Акциялар чиқарилиши амалга ошган деб топилиши учун банк акциялари қанча миқдорда оммавий жойлаштирилади?**

- A. мазкур чиқарилишдаги акциялар умумий миқдорининг камида 60 фоизи
- B. мазкур чиқарилишдаги акциялар умумий миқдорининг камида 50 фоизи
- C. акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, жойлаштириш ҳажмидан қатъи назар, амалга ошган деб эътироф этилади
- D. мазкур чиқарилишдаги акциялар умумий миқдорининг камида 30 фоизи

**Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда, акцияларни жойлаштириш нархи (савдога қўйиш) \_\_\_\_\_ белгиланади?**

- A. қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда
- B. баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган нархда
- C. баҳоловчи ташкилот томонидан тавсия этилган нархда
- D. номинал қиймати бўйича

**Акциядорлик жамиятининг қайси бошқарув органи томонидан қўшимча акциялар чиқарилишининг жойлаштириш нархи аниқланади?**

- A. жамият кузатув кенгаши томонидан
- B. жамиятнинг ижроия органи томонидан
- C. жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан
- D. жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан, агар жамият томонидан кузатув кенгашига бундай ҳуқуқ берилган бўлса

**Қўшимча чиқарилган акцияларнинг фонд биржасига чиқариш нархи жамиятнинг қайси бошқарув органи томонидан белгиланади?**

- A. жамият кузатув кенгаши томонидан
- B. ижроия органи томонидан
- C. жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан
- D. акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки агар бундай ҳуқуқ берилган бўлса жамият кузатув кенгаши томонидан

**Қайси муддатда акциядорлик жамияти ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига чиқарилишдаги акцияларни олишни таклиф этиши шарт?**

- A. чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўн кун мобайнида
- B. чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан беш кун мобайнида
- C. чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан уч кун мобайнида
- D. чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўн беш кун мобайнида

**Акциядорларнинг акциялар жойлаштирилаётганида олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқининг амал қилиш муддатини кўрсатинг?**

- A. билдириш эълон қилинган пайтдан ўн кундан кам бўлмаган
- B. билдириш эълон қилинган пайтдан ўн беш кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлмаган
- C. билдириш эълон қилинган пайтдан ўттиз кундан кам ва олтмиш кундан кўп бўлмаган
- D. билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлмаган

**Кейинчалик қайта сотиш мақсадида жамият тасарруфига ўтган акциялар қайси муддатда реализация қилиниши керак?**

- A. жамият томонидан ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилнган пайтдан олти ой мобайнида
- B. жамият томонидан ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилнган пайтдан бир йил мобайнида
- C. жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай
- D. АЖ тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида

**Акциядорлик жамияти жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида \_\_\_\_\_?**

- A. АЖнинг икки ёки ундан ортиқ оддий акциялари худди шу турдаги битта имтиёзли акцияга айрибошланади
- B. АЖнинг битта акцияси АЖнинг худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияларига айрибошланади
- C. АЖнинг битта имтиёзли акцияси АЖнинг худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ оддий акцияларига айрибошланади
- D. АЖнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади

**Акциядорлик жамияти кузатув кенгаши қарорига асосан АЖнинг жойлаштирилган акцияларини йириклаштиришга ҳақлими?**

- A. ҳа
- B. ҳа, фақат АЖ уставида назарда тутилган ҳолларда
- C. йўқ, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно
- D. йўқ

**Акциядорлик жамияти акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан АЖнинг жойлаштирилган акцияларини майдалашга ҳақлими?**

- A. йўқ
- B. ҳа, фақат АЖ уставида назарда тутилган ҳолларда
- C. ҳа
- D. йўқ, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно

**Акциядорлик жамияти жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида \_\_\_\_\_?**

А. АЖнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади

В. АЖнинг битта акцияси АЖнинг худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияларига айирбошланади

С. АЖнинг битта имтиёзли акцияси АЖнинг худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ оддий акцияларига айирбошланади

Д. АЖнинг икки ёки ундан ортиқ оддий акциялари худди шу турдаги битта имтиёзли акцияга айирбошланади

**Акциядорлик жамияти 1:5 нисбатда акцияларни майдалашни амалга оширди. Майдалангунга қадар битта акциянинг номинал қиймати 950 сўм бўлган 2 000та акция пакети эгаси бўлган акциядорнинг акциялар сони ва умумий номинал қиймати қанча?**

- А. 400та акция ва 380 000 сўм
- В. 400та акция ва 1 900 000 сўм
- С. 10 000та акция ва 1 900 000 сўм
- Д. 2 000та акция ва 380 000 сўм

**Акциядорлик жамияти 1:4 нисбатда акцияларни майдалашни амалга оширди. Майдалангунга қадар битта акциянинг номинал қиймати 5000 сўм бўлган 100та акция пакети эгаси бўлган акциядорнинг акциялар сони ва умумий номинал қиймати қанча?**

- А. 100та акция ва 125 000 сўм
- В. 25та акция ва 125 000 сўм
- С. 400та акция ва 500 000 сўм
- Д. 25та акция ва 500 000 сўм

**Акциядорлик жамияти 4:1 нисбатда акцияларни йириклаштиришни амалга оширди. Йириклаштирилгунга қадар битта акциянинг номинал қиймати 500 сўм бўлган 100та акция пакети эгаси бўлган акциядорнинг акциялар сони ва умумий номинал қиймати қанча?**

- А. 25та акция ва 50 000 сўм
- В. 25та акция ва 200 000 сўм
- С. 100та акция ва 50 000 сўм
- Д. 400та акция ва 200 000 сўм

**Акциядорлик жамияти 5:1 нисбатда акцияларни йириклаштиришни амалга оширди. Йириклаштирилгунга қадар битта акциянинг номинал қиймати 1000 сўм бўлган 200 та акция пакети эгаси бўлган акциядорнинг акциялар сони ва умумий номинал қиймати қанча?**

- А. 1000та акция ва 1 000 000 сўм
- В. 1000та акция ва 200 000 сўм
- С. 40та акция ва 200 000 сўм
- Д. 40та акция ва 1 000 000 сўм

**Акциядорларнинг талабига мувофиқ жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш қандай нархда амалга оширилади?**

- А. баҳоланган қиймат бўйича, агар бу АЖ уставида белгиланган бўлса



- В. жойлаштириш нархи бўйича, АЖ харакати натижасида қиймат ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади
- С. акцияларнинг номинал қиймати бўйича
- Д. акцияларнинг бозор қиймати бўйича, АЖ харакати натижасида қиймат ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади

**Акциядорлик жамиятининг 75 фоиз ациялари эгасига айланган шахс (агар шахс бунгача ушбу АЖнинг акцияларига эгалик қилмаган бўлса ёки 50 фоиздан кам акцияларига эгалик қилган бўлса) қайси муддатда қолган акциядорларга акцияларини унга сотишлари таклифини эълон қилиши шарт?**

- А. депо ҳисобварағидан кўчирма олган кундан эътиборан 2 ҳафта ичида
- В. АЖ акциядорларининг реестри олинган кундан эътиборан 30 кундан кечиктирмасдан
- С. шахс кўрсатилган миқдордаги акциялар эгасига айланган кундан бошлаб 3 кун ичида
- Д. шахс кўрсатилган миқдордаги акциялар эгасига айланган пайдан эътиборан 30 кун ичида

**Қайси ҳолатда акциядор АЖнинг қолган акциядорларга акцияларни унга сотишлари таклифини эълон қилиши шарт?**

- А. агар мазкур шахс АЖ акцияларининг 35 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган бўлса
- В. агар мазкур шахс АЖ акцияларининг 20 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган бўлса, агар у бунгача мазкур АЖ акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 20 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса
- С. агар мазкур шахс АЖнинг акцияларининг 50 ва ундан кам фоизи эгасига айланган бўлса
- Д. агар мазкур шахс АЖ акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган бўлса, агар у бунгача мазкур АЖ акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса

**Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари қайси муддатда акциядорлик жамиятига тақдим этилиши керак?**

- А. жамият томонидан акциядорлар томонидан жамиятнинг акцияларини сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган кундан эътиборан 30 кундан кечиктирмай
- В. жамият томонидан АЖни қайта ташкил тўғрисида қарор қабул қилинган пайдан эътиборан 60 кундан кечиктирмай
- С. жамият томонидан жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 30 кундан кечиктирмай
- Д. жамият томонидан акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган пайдан эътиборан 10 кундан кечиктирмай

**Акциядорлик жамияти қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни қанча муддатда қайтариб сотиб олиши шарт?**

А. АЖ томонидан акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган кундан эътиборан 40 кун ичида

В. АЖ томонидан акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган кундан 7 кундан сўнг 10 кун ичида

С. АЖ томонидан акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган кундан 30 кундан сўнг 10 кун ичида

Д. АЖ томонидан акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган кундан эътиборан 30 кун ичида

**Акциядорлик жамияти томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси \_\_\_\_\_ ошиб кетиши мумкин эмас?**

А. акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлар қийматининг 30 фоизидан, бундан жамиятнинг ўзгартирилиши ҳоллари мустасно

В. акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлар қийматининг 20 фоизидан

С. акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлар қийматининг 10 фоизидан

Д. акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлар қийматининг 10 фоизидан, бундан жамиятнинг ўзгартирилиши ҳоллари мустасно

**Акциядорлик жамияти акциядорларининг реестрини шакллантириш ким томонидан амалга оширилади?**

А. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан

В. эмитент билан реестрни юритиш бўйича шартнома тузган қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиси томонидан

С. фонд биржаси томонидан

Д. эмитентга хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси томонидан

**Қайси муддатда акциядорлик жамияти Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан жамият акциядорларининг реестрини шакллантириши учун шартнома тузиши шарт?**

А. акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан уч ойдан кечиктирмасдан

В. АЖ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан уч ой давомида

С. АЖ давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан бир ойдан кечикмасдан, агар АЖ уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса

Д. тўғри жавоб йўқ

**Қайси муддатда акциядорга унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачиси унинг талабига кўра депо ҳисобварағидан кўчирма бериши шарт?**

- A. икки кун мобайнида
- B. уч кун мобайнида
- C. уч иш куни мобайнида
- D. икки иш куни ичида

**Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси қайси муддатда акциядорлик жамиятига акциядорларнинг реестрини шакллантиришни рад этганлиги тўрисида асослантирилган билдиришни юборади?**

- A. АЖнинг топшириғи келиб тушган пайтдан эътиборан 7 кундан кечиктирмасдан
- B. АЖнинг топшириғи келиб тушган пайтдан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан
- C. АЖнинг топшириғи келиб тушган пайтдан эътиборан 15 кундан кечиктирмасдан
- D. АЖнинг топшириғи келиб тушган пайтдан эътиборан 5 кундан кечиктирмасдан

**Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар \_\_\_\_\_ тўланиши мумкин?**

- A. бошқа қонуний тўлов воситалари билан
- B. пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан
- C. жамиятнинг қимматли қоғозлари билан
- D. барча жавоблар тўғри

**Акциядорлик жамияти қайси муддатда дивиденд тўлашни амалга ошириши лозим?**

- A. шундай қарор қабул қилинаган кундан эътиборан 3 ой мобайнида
- B. шундай қарор қабул қилинаган кундан эътиборан 3 йил мобайнида
- C. шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кечиктирмасдан
- D. шундай қарор қабул қилинаган кундан эътиборан 15 кундан кечиктирмасдан

**Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан талаб қилиб олинмаган дивиденд қайси муддат тугаганидан сўнг жамият ихтиёрида қолади?**

- A. беш йил
- B. бир йил
- C. даъво муддати ўтиши учун белгиланган муддатларда
- D. уч йил

**Акциядорлик жамияти тузилган шартномага мувофиқ \_\_\_\_\_ орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.?**

- A. Тижорат банклари ва (ёки) инвестиция воситачилари
- B. Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари
- C. Тижорат банклари ва (ёки) Марказий депозитарий

D. Тижорат банклари

**Ким акциядорлик жамияти томонидан акциялар бўйича ажратилган дивидендларни олишга ҳақли?**

A. акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган АЖ акциядорларининг реестрида қайд этилган акцияларнинг номинал сақловчилари

B. акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган АЖ акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар

C. акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган АЖ акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар

D. дивидендлар учун шакллантирилган АЖ акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар

**Акциядорлик жамияти \_\_\_\_\_ акциялар бўйича дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас?**

A. агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса ёхуд агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса

B. агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса

C. жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар

D. барча жавоблар тўғри

**Акциядорлик жамияти тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотни қаерда эълон қилади?**

A. Жамиятнинг расмий веб-сайтида

B. «Тошкент» РФБнинг расмий веб-сайтида, агар жамият биржа котировкаси варағига киритилган бўлса

C. тўғри жавоб йўқ

D. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида

**Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладими?**

A. ҳа

B. йўқ

C. ҳа, имтиёзли акциялар эгалари йиғилишда қатнашишни рад этиши ҳоллари бундан мустасно

D. йўқ, жамиятнинг имтиёзли акциялари овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно

**Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига \_\_\_\_\_ шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади?**

- A. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 иш куни олдин
- B. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган кундан 5 календар куни олдин
- C. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 15 кун олдин
- D. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 30 иш куни олдин

**Акциядорлик жамияти қўйида санаб ўтилган усуллардан қайси бири орқали акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарни акциядорларга етказилади?**

- A. барча жавоблар тўғри
- B. хабар акциядорларга электрон почта орқали юборилади
- C. хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади
- D. хабар Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва АЖнинг веб-сайтида эълон қилинади

**Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорлик жамияти томонидан қайси муддатда акциядорларга етказилади?**

- A. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 2 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 10 кун олдин
- B. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 7 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 45 кун олдин
- C. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 кун олдин
- D. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 10 кундан кечиктирмай

**Овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб қанча фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядор) акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳақли?**

- A. овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизи
- B. овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизи
- C. овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизи
- D. овоз берувчи акцияларининг камида ўн беш фоизи

**Қандай ҳолларда акциядорлар томонидан киритилан масалалар акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига қўйилмайди?**

- A. барча жавоблар тўғри кун тартибига таклифлар «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талабларига мос келмаса
- B. мувофиқ бўлмаса
- C. акциядорлар (акциядор) АЖ овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилмаса
- D. йиғилиш кун тартибига масала киритишда белгиланган муддатга акциядорлар томонидан риюя этилмаган бўлса

**Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига \_\_\_\_\_ ўзгартишлар киритишга ҳақли?**

- A. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида уч иш кунидан кечиктирмай
- B. АЖнинг молиявий йили тугаганидан сўнг 30 кундан кечиктирмай
- C. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кун кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кундан олдин
- D. акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра \_\_\_\_\_ асосида ўтказилади?**

- A. тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг ёзма талаби)
- B. ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг ёзма талаби)
- C. АЖ кузатув кенгашининг ўз ташаббуси
- D. барча жавоблар тўғри

**Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатишни амалга оширувчи санок комиссияси таркибининг энг кам миқдорини кўрсатиш?**

- A. 7 киши
- B. 5 киши
- C. 9 киши
- D. 3 киши

**Жамиятнинг битта акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ким томонидан амалга оширилади?**

- A. шахсларнинг ҳар бирига битта овоз тақдим этилади
- B. уларнинг хоҳишига кўра уларнинг умумий вакили томонидан иккита овоз билан
- C. овоз акциялар бўйича умумий улушли мулкда барча иштирокчиларга бўлинади
- D. уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан

**Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг \_\_\_\_\_ эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади?**

- A. жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 33 фоизидан кўпроқ овозига
- B. жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 25 фоизидан кўпроқ овозига

- C. жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоиздан кўпрок овозига
- D. жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 66 фоиздан кўпрок овозига

**Акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг \_\_\_\_\_ эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади?**

- A. жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 10 фоиздан кўпрок овозига
- B. жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 фоиздан кўпрок овозига
- C. жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 35 фоиздан кўпрок овозига
- D. жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоиздан кўпрок овозига

**Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қун тартибидаги қайси масалалар юзасидан қарор қилишда кумулятив обоз бериш ўтказилади?**

- A. жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш
- B. жамият ижроия орган аъзоларини сайлаш
- C. тўғри жавоб йўқ
- D. жамият санок комиссияси аъзоларини сайлаш

**Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси умумий йиғилиши ёпилганидан кейин қайси муддатда тузилади?**

- A. йиғилишдан кейин ўн беш кундан кечиктирмай
- B. йиғилишдан кейин ўн кундан кечиктирмай
- C. йиғилишдан кейин бир ҳафтадан кечиктирмай
- D. йиғилишдан кейин уч кундан кечиктирмай

**Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси \_\_\_\_\_ тузилади.**

- A. бир нусхада
- B. уч нусхада
- C. тўрт нусхада
- D. икки нусхада

**Қуйида санаб ўтилганлардан нима (кайсиси) акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг ваколат доирасига алоқаси йўқ?**

- A. АЖнинг эълон қилинган акциялари сонини қисқартириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчаларни АЖ уставига киритиш бўйича масалаларни ҳал қилиш
- B. АЖни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чоратadbирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб бориш
- C. АЖнинг эълон қилинган акцияларини майдалаш ва йириклаштириш

D. жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар АЖ уставига кўра бундай ҳуқуқ берилган бўлса

**Акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши аъзолари қанча муддатга сайланади?**

- A. икки йилга
- B. бир йилга
- C. тўрт йилга
- D. уч йилга

**Акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши аъзолари қанча марта қайта сайланишлари мумкин?**

- A. уч мартадан кўп бўлмаган
- B. беш мартадан кўп бўлмаган
- C. бир мартадан кўп бўлмаган
- D. чекланмаган

**Қуйида келтирилган шахслардан қайсилари акциядорлик жамиятининг кузатув кенгашига сайланиши мумкин?**

- A. АЖда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар
- B. АЖнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари
- C. АЖ бошқарув аъзолари ва директори
- D. тўғри жавоб йўқ

**Акциядорларининг сони беш юздан ортиқ бўлган акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг энг кам сон таркиби қанча?**

- A. беш аъзо
- B. етти аъзо
- C. уч аъзо
- D. тўққиз аъзо

**Акциядорларининг сони бир мингдан ортиқ бўлган акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг энг кам сон таркиби қанча? Акциядорларининг сони бир мингдан ортиқ бўлган акциядорлик жамият учун жамият кузатув кенгашининг сон таркиби неча аъзодан кам бўлиши мумкин эмас?**

- A. беш аъзо
- B. етти аъзо
- C. тўққиз аъзо
- D. уч аъзо

**Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум \_\_\_\_\_?**

- A. кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак
- B. кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 60 фоизидан кам бўлмаслиги керак



- C. кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак
- D. кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 35 фоизидан кам бўлмаслиги керак

**Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот акциядорлик жамиятнинг ижроия органига қайси муддатда берилиши лозим?**

- A. кузатув кенгаши баённомаси имзоланган куни
- B. кузатув кенгаши мажлиси ўтказилган кундан икки иш куни давомида
- C. кузатув кенгаши баённомаси имзоланган кундан уч иш куни давомида
- D. кузатув кенгаши мажлиси ўтказиладиган куни

**Акциядорлик жамияти устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан қўпайтириш тўғрисида қарор кузатув кенгаши аъзоларининг қанча миқдордаги овози билан қабул қилинади?**

- A. мазкур қарор қабул қилиниши мумкин эмас
- B. 60 фоиз овоз бўлганда
- C. 75 фоиз овоз бўлганда
- D. бир овоздан

**Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси акциядорлик жамиятининг ижроия органига ижро этиш учун қайси муддатда берилиши лозим?**

- A. кузатув кенгаши мажлиси ўтказилган куни
- B. кузатув кенгаши мажлиси ўтказилган кундан икки иш куни давомида
- C. кузатув кенгаши мажлиси баённомаси имзоланган кундан уч иш кун давомида
- D. кузатув кенгаши мажлиси баённомаси имзоланган куни

**Жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкинми?**

- A. ҳа, фақат Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг қарори бўйича
- B. ҳа, агар бу АЖ уставида назарда тутилган бўлса
- C. йўқ
- D. ҳа акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра

**Акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга йўл қўйиладими?**

- A. йўл қўйилади, фақат бошқа бошқарув аъзоларининг розилги билан
- B. йўл қўйилади, фақат Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи розилиги билан
- C. йўл қўйилмайди
- D. йўл қўйилади, фақат кузатув кенгашининг розилиги билан

**Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда \_\_\_\_\_ ташкил этилиши мумкин?**

- A. мажоритарга қарши акциядорлар қўмитаси
- B. монополияга қарши акциядорлар қўмитаси
- C. миноритар акциядорлар қўмитаси
- D. миноритар акциядорлар хизмати

**Миноритар акциядорларнинг қўмитаси таркибига қандай шахслар сайланиши мумкин?**

- A. АЖ бошқарув аъзолари
- B. АЖ кузатув кенгаши аъзолари
- C. АЖ директори
- D. тўғри жавоб йўқ

**Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби ким томонидан белгиланади?**

- A. Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан
- B. акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан
- C. жамият кузатув кенгаши томонидан
- D. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан

**Бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг баланс қиймати \_\_\_\_\_ ташкил этса, бундай битим акциядорлик жамиятида йирик битим ҳисобланади.?**

- A. АЖ соф активлари миқдорининг 10 фоизидан ортиғини
- B. АЖ соф активлари миқдорининг 15 фоизидан ортиғини
- C. АЖ соф активлари миқдорининг 5 фоизидан ортиғини
- D. АЖ активлари баланс қийматининг 25 фоизидан ортиғини

**Предмети мол-мулк ҳисобланган, жамият соф активлари миқдорининг 43,75 фоизини ташкил этган йирик битимни амалга ошириш тўғрисида акциядорлик жамиятида ким қарор қабул қилади?**

- A. давлат вакили
- B. акциядорларнинг умумий йиғилиши
- C. кузатув кенгаши
- D. миноритар акциядорларнинг қўмитаси

**Предмети мол-мулк ҳисобланган, жамият соф активлари миқдорининг 58,25 фоизини ташкил этган йирик битимни амалга ошириш тўғрисида акциядорлик жамиятида ким қарор қабул қилади?**

- A. кузатув кенгаши
- B. ижроия органи
- C. акциядорларнинг умумий йиғилиши
- D. миноритар акциядорларнинг қўмитаси

**Қуйида санаб ўтилган қайси шахслар акциядорлик жамиятининг аффилиланган шахслари деб ҳисобланади?**

- A. барча жавоблар тўғри
- B. АЖ кузатув кенгаши аъзолари
- C. АЖнинг директори ёхуд бошқарув аъзоси бўлган ани бир шахс қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс
- D. АЖ қайси юридик шахс устав капиталининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс

**АЖнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот \_\_\_\_\_ томонидан ўрганилади?**

- A. АЖ ички аудит хизмати (агар у мавжуд бўлса)
- B. АЖ ижроия органи ва ички аудит хизмати (агар у мавжуд бўлса)
- C. АЖ тафтиш комиссияси
- D. тўғри жавоб йўқ

**Акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилланган шахс билан келгусида у томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида амалга ошириладиган битимларни маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлими?**

- A. йўқ
- B. ҳа, фақат давлат вакили қарори бўйича
- C. ҳа
- D. ҳа, фақат акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда

**Агар жамият кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлса, битим бўйича қарор \_\_\_\_\_ қабул қилинади?**

- A. акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан
- B. АЖ кузатув кенгаши мажлисида иштирок этаётган аъзолар томонидан бир овоздан
- C. акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан
- D. битимдан манфаатдор бўлмаган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан

**Кредитор ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган акциядорлик жамиятидан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни қандай муддатларда талаб қилиши мумкин?**

- A. қайта ташкил этиш ҳақидаги билдиришнома жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 60 кундан кечиктирмай
- B. қайта ташкил этиш ҳақидаги билдиришнома жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 90 кундан кечиктирмай
- C. қайта ташкил этиш ҳақидаги билдиришнома жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай
- D. қайта ташкил этиш ҳақидаги билдиришнома жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 40 кундан кечиктирмай

**Кредитор қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилаётган акциядорлик жамиятидан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни қандай муддатларда талаб қилиши мумкин?**

- A. қайта ташкил этиш ҳақидаги билдиришнома жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 45 кундан кечиктирмай
- B. қайта ташкил этиш ҳақидаги билдиришнома жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 60 кундан кечиктирмай
- C. қайта ташкил этиш ҳақидаги билдиришнома жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 90 кундан кечиктирмай
- D. қайта ташкил этиш ҳақидаги билдиришнома жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай

**Кредитор бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган акциядорлик жамиятидан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни қандай муддатларда талаб қилиши мумкин?**

- A. қайта ташкил этиш ҳақидаги билдиришнома жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 50 кундан кечиктирмай
- B. қайта ташкил этиш ҳақидаги билдиришнома жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 40 кундан кечиктирмай
- C. қайта ташкил этиш ҳақидаги билдиришнома жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай
- D. қайта ташкил этиш ҳақидаги билдиришнома жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 60 кундан кечиктирмай

**Рўйхатдан ўтказувчи орган қайта ташкил этиш натижасида тугатилаётган акциядорлик жамиятининг акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилингунгача янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширишга ҳақлими?**

- A. йўқ
- B. ҳа
- C. ҳа, лекин АЖ юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилганидан кейин
- D. йўқ, агар янгидан вужудга келган юридик шахсларнинг уставида бундай ҳуқуқ мавжуд бўлмаса

**“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунида қўшиб юборишнинг қандай турлари кўзда тутилган?**

- A. акциядорлик жамиятини юридик шахслар билан бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда қўшиб юбориши
- B. акциядорлик жамиятларининг ёхуд акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамиятнинг қўшиб юборилиши
- C. акциядорлик жамияти ва хўжалик ширкатининг қўшиб юборилиши
- D. барча жавоблар тўғри

**Бир ёки бир нечта акциядорлик жамиятларининг фаолиятини тугатиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик шахсга ўтказиш қандай аталади?**

- A. ажратиб чиқариш

- B. ўзгартириш
- C. кўшиб олиш
- D. кўшиб юбориш

**Акциядорлик жамияти фаолиятини унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ташкил этилаётган юридик шахсларга ўтказган ҳолда тугатиш жамиятни \_\_\_\_\_ деб эътироф этилади?**

- A. бўлиш
- B. кўшиб юбориш
- C. ажратиб чиқариш
- D. ўзгартириш

**Акциядорлик жамиятларининг кўшиб юборилиши \_\_\_\_\_ деб эътироф этилади?**

- A. янги юридик шахснинг унга ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир нечта жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан вужудга келиши
- B. бир ёки бир нечта АЖнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа юридик шахсга ўтказган ҳолда ўз фаолиятини тугатиш
- C. АЖ фаолиятини унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини янгидан ташкил этилаётган юридик шахсларга ўтказган ҳолда тугатиш
- D. ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда АЖ фаолиятини тугатиш

**Қайта ташкил этилаётган акциядорлик жамиятининг фаолиятини тугатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказган ҳолда бир ёки бир нечта юридик шахсни ташкил этиш жамиятни \_\_\_\_\_ деб эътироф этилади?**

- A. кўшиб юбориш
- B. бўлиш
- C. ажратиб чиқариш
- D. ўзгартириш

**Акциядорлик жамиятини ўзгартириш натижасида ташкил этилаётган юридик шахснинг иштирокчилари қачон таъсис ҳужжатларини тасдиқлайди ҳамда қонунчиликка мувофиқ юридик шахснинг бошқарув органларини сайлайди (тайинлайди)?**

- A. қимматли қоғозлар чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилингандан кейин
- B. жамиятнинг чиқиб кетаётган акциядорлари билан ҳисоб-китоблар амалга оширилганидан кейин
- C. топшириш-қабул қилиш далолатномаси тасдиқлангандан кейин
- D. тўғри жавоб мавжуд эмас

**Акциядорлик жамиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда фаолиятини тугатилиши қандай аталади?**

- A. ажратиб чиқариш
- B. кўшиб юбориш
- C. тугатиш

D. ўзгартириш

**Акциядорлик жамияти ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда тугатувчи ким томонидан тайинланади?**

- A. кредиторлар томонидан
- B. давлат вакили томонидан
- C. кузатув кенгаши томонидан
- D. акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан

**Акциядорлик жамияти тугатилган тақдирда кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун энг кам муддатни кўрсатинг?**

- A. АЖ ликвидация баланси тасдиқланган санадан эътиборан икки ой
- B. АЖ тугатилиши тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан икки ой
- C. АЖ тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан икки ой
- D. АЖ тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ой

**Тугатиш баланси қачон тузилади?**

- A. тўғри жавоб йўқ
- B. тугатиш ҳақида кредиторлар хабардор қилингунига қадар
- C. кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугагунига қадар
- D. тугатиш ҳақида кредиторлар хабардор қилингандан бир ойдан кейин

**Акциядорлик жамиятининг оралик тугатиш баланси ким томонидан тасдиқланади?**

- A. кузатув кенгаши томонидан
- B. ижроия органи томонидан
- C. тугатиш бошқарувчиси томонидан
- D. акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан

**"Тугатилаётган жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулкни тақсимлаш навбатини кўрсатинг.**

1. қонунчиликка мувофиқ қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади

2. имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва АЖ уставида имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади

3. тугатилаётган АЖнинг мол-мулкни оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади?"

- A. 2, 1, 3
- B. 3, 1, 2
- C. 1, 2, 3
- D. 2, 3, 1

**\_\_\_\_\_ пайтдан эътиборан акциядорлик жамиятини тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади?**

A. рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган

- B. АЖ акциялар чиқарилишлари бекор қилинган
- C. АЖ акциядорлари умумий йиғилиши томонидан АЖ фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган
- D. суд томонидан АЖни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган

**Акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисоботи \_\_\_\_\_ жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим?**

- A. акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай
- B. акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан кейин икки ҳафта ичида
- C. акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай
- D. акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан икки ҳафта олдин

**Акциядорлик жамияти Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни қанча муддатда эълон қилиши шарт?**

- A. акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин
- B. акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан кейин икки ҳафта ичида
- C. кейинги ҳисобот йилининг 1-майидан кечиктирмасдан
- D. акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида ўн кун олдин

**Акциядорлик жамияти жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни сақлаши шартми?**

- A. ҳа
- B. йўқ
- C. ҳа, агар бу жамият уставида назарда тутилган бўлса
- D. йўқ, агар бу жамият уставида назарда тутилган бўлса

**Акциядорлик жамияти жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни сақлаши шартми?**

- A. ҳа
- B. йўқ
- C. йўқ, агар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан бундай талаб белгиланмаган бўлса
- D. ҳа, агар бу АЖ уставида назарда тутилган бўлса

**Аффилланган шахс қанча муддатда жамиятни ўзининг аффилланганлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт?**

- A. акциялар олинган санадан бошлаб етти кундан кечиктирмасдан
- B. аффилланганлик асослари вужудга келган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай
- C. акциялар олинган санадан бошлаб ўн беш кун ичида

D. акциялар олинган санадан бошлаб икки иш куни ичида

**Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси арағига киритилган жамият Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва жамиятнинг расмий веб-сайтида бошқа юридик шахсларнинг \_\_\_\_\_ фоиз акцияларига (улушларига, пайлариг эгалик қилиши тўғрисидаги ахборотни эълон қилиши шарт.?**

- A. 10 ва ундан ортиқ эмас
- B. 15 ва ундан ортиқ
- C. 20 ва ундан ортиқ
- D. 5 ва ундан ортиқ

**Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси арағига киритилган жамият Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва жамиятнинг расмий веб-сайтида бошқа юридик шахсларнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акцияларига (улушларига, пайлариг эгалик қилиши тўғрисидаги ахборотни эълон қилиши шарт. Бунда мазкур ахборот акциялар (улушлар, пайлар) олинган пайтдан эътиборан \_\_\_\_\_ эълон қилиниши керак.?**

- A. 24 соат ичида
- B. 48 соат ичида
- C. 72 соат ичида
- D. 12 соат ичида

**Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси арағига киритилган жамият \_\_\_\_\_ бошқа юридик шахсларнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акцияларига (улушларига, пайларига) эгалик қилиши тўғрисидаги ахборотни эълон қилиши шарт.?**

- A. корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва жамиятнинг расмий веб-сайтида
- B. жамиятнинг расмий веб-сайтида
- C. Фонд биржаси ўзининг расмий веб-сайтида
- D. тўғри жавоблар йўқ

**Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига неча марта сайланиши мумкин?**

- A. уч мартадан ортиқ эмас
- B. кетма-кет уч мартадан ортиқ эмас
- C. кетма-кет икки мартадан ортиқ эмас
- D. беш мартадан ортиқ эмас

**Тафтиш комиссияси қандай ҳолларда акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик фаолиятини текширади? Саволга энг тўлиқ жавобни танланг.**

A. акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки АЖ овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра

B. акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва (ёки) тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ташаббусига кўра



С. акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра

Д. тафтиш комиссияси (тафтишчи), акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки АЖ овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан

**Акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулосасида нималар кўрсатилиши шарт?**

А. молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот

В. жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо

С. барча жавоблар тўғри

Д. бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги тўғрисидаги ахборот

**Тафтишчи жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосани қанча муддатда акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади?**

А. ҳар чорақда

В. ҳар ойда

С. ҳар йили 1-майдан кечиктирмасдан

Д. кузатув кенгаши томонидан белгиланган муддатларда

**Қайси акциядорлик жамиятларида ички аудит хизмати ташкил этилади?**

А. активларининг баланс қиймати бир млрд. сўмдан кўп бўлган АЖда

В. баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган АЖда

С. устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган АЖда

Д. Ўз.Р Давлат рақобат қўмитаси билан Ўз.Р Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган АЖда

**Акциядорлик жамиятининг ички аудит хизмати фаолиятини амалга ошириш тартиби \_\_\_\_\_ томонидан белгиланади?**

А. Марказий банк томонидан

В. Молия вазирлиги томонидан

С. Вазирлар Маҳкамаси томонидан

Д. АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан

**Акциядорлик жамиятидаги корпоратив маслаҳатчиси \_\_\_\_\_ га ҳисобдор?**

А. акциядорлар умумий йиғилишига

В. директорга

С. тафтиш комиссиясига

Д. кузатув кенгашига

**Акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини ким кафолатлайди?**

- A. АЖ аудиторлик ташкилоти
- B. АЖ ижроия органи
- C. давлат
- D. АЖ кузатув кенгаши

**Акциядорларнинг ҳуқуқлари \_\_\_\_\_ томонидан ҳимоя қилинади?**

- A. барча жавоблар тўғри
- B. суғурта ташкилотлари
- C. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар
- D. аудиторлик ташкилотлари

**Норезидентнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштиришга йўл қўйилиши мумкин бўлган қимматли қоғозлари ҳажмини кўрсатинг?**

- A. ушбу турдаги чиқарилган қимматли қоғозлар умумий сонининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда
- B. ушбу турдаги чиқарилган қимматли қоғозлар умумий сонининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда
- C. ушбу турдаги чиқарилган қимматли қоғозлар умумий сонининг 25 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда
- D. ушбу турдаги чиқарилган қимматли қоғозлар умумий сонининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда

**Қуйидагилардан қайсилари норезидентнинг қимматли қоғозларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш ва уларнинг муомалада бўлиши шартлари ҳисобланади?**

- A. норезидентнинг қимматли қоғозлари қимматли қоғозларни идентификациялаштиришнинг халқаро кодига (ISIN) ва молиявий воситаларни таснифлашнинг халқаро кодига (CFI) эга бўлганда
- B. норезидентнинг қимматли қоғозлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган эмиссиявий қимматли қоғозлар турлари тушунчаларига мувофиқ бўлганда;
- C. барча жавоблар тўғри
- D. таъсис этиш жойи Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти (IOSCO) ва Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг (ФАТФ) тўлиқ ҳуқуқли аъзоси ҳисобланган давлатда бўлган ташкилот эмитент бўлганда

**Ўзбекистон депозитар тилхати (ЎДТ) қайси давлат органи томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши керак?**

- A. Марказий банк томонидан
- B. тўғри жавоб йўқ
- C. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан
- D. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи

**Ўзбекистон депозитар тилхати (ЎДТ) листинг тартиботидан ўтмасдан фонд биржасида жойлаштирилиши ва муомалада бўлиши мумкинми?**

- A. мумкин
- B. мумкин, фақат тартиботни Марказий банк билан келишган ҳолда
- C. мумкин, фақат тартиботни Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан келишган ҳолда
- D. мумкин, фақат фонд биржасининг қарорига кўра

**"Ўзбекистон депозитар тилхати (ЎДТ) эмиссияси босқичларни кўрсатинг?"**

- 1. ЎДТни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш
  - 2. ЎДТ га идентификация рақами берган ҳолда унинг чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш
  - 3. ЎДТни жойлаштириш
  - 4. УДТни чиқариш натижалари тўғрисида билдиришнома тақдим этиш?"
- A. 2, 1, 4, 3 жавоблар тўғри
  - B. 1, 2, 4 жавоблар тўғри
  - C. 1, 2, 3 жавоблар тўғри
  - D. 2, 3, 4 жавоблар тўғри

**"Марказий депозитарийнинг Ўзбекистон депозитар тилхати (ЎДТ)ни чиқариш тўғрисидаги қарориди қандай маълумотлар кўрсатилиши керак?"**

- 1. ЎДТни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган ва тасдиқланган сана
  - 2. Норезидентнинг тақдим этиладиган қимматли қоғозларининг тури, тоифаси (типи)
  - 3. Эмитент устав капиталининг 5 фоизидан ортиққа эгалик қилувчи эмитентнинг акциядорлари тўғрисидаги маълумотлар
  - 4. Уларга бўлган мулк ҳуқуқи ушбу чиқарилишдаги бир ЎДТ билан тасдиқланадиган норезидентнинг тақдим этиладиган қимматли қоғозлари сони
  - 5. ЎДТни жойлаштириш шартлари
  - 6. ЎДТни сақлаш, ҳисобга олиш ва унга бўлган ҳуқуқларнинг ўтиши тартиби?"
- A. 1, 3, 4, 5 жавоблар тўғри
  - B. 1, 2, 4, 5, 6 жавоблар тўғри
  - C. 2, 3, 4, 6 жавоблар тўғри
  - D. 1, 2, 3, 4, 5, 6 жавоблар тўғри

**Ўзбекистон депозитар тилхати (ЎДТ)ни чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқиш муддатини кўрсатинг.?**

- A. ўттиз иш куни
- B. ўн беш иш куни
- C. йигирма иш куни
- D. ўн иш куни

**Резидентнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлаштирилиши ва муомалада бўлиши мумкин бўлган қимматли қоғозлари ҳажмини кўрсатинг?**

- A. ушбу турдаги чиқарилган қимматли қоғозлар умумий сонининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда
- B. ушбу турдаги чиқарилган қимматли қоғозлар умумий сонининг 75 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда
- C. ушбу турдаги чиқарилган қимматли қоғозлар умумий сонининг 25 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда
- D. ушбу турдаги чиқарилган қимматли қоғозлар умумий сонининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда

**Резидентнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлаштирилган қимматли қоғозларига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқлаш ким томонидан амалга оширилади?**

- A. Ўзбекистон Республикаси резидентининг қимматли қоғозларига хизмат кўрсатувчи чет эл депозитарийси томонидан
- B. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан
- C. Марказий банк томонидан
- D. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан

**Резидентнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлаштириладиган қимматли қоғозлари қаерда сақланади ва ҳисобга олинади?**

- A. резидентнинг қимматли қоғозлари жойлаштирилиши амалга ошириладиган давлатларнинг Марказий депозитарийларида
- B. депозитар тилхатлар бориб тушадиган чет эл депозитарийларида
- C. Ўзбекистоннинг тижорат банклари депозитарийларида
- D. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида

**Хорижий депозитарий эмитент-резидентнинг қимматли қоғозлари эгалари реестрида \_\_\_\_\_ сифатида ҳисобга олинади?**

- A. қимматли қоғозларнинг номинал сақловчиси
- B. ўзидаги депозитар тилхатнинг эгаси
- C. хорижий инвестиция воситачиси
- D. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг хорижий ҳамкори

**Тижорат банки Ўзбекистон депозитар тилхати (ЎДТ) эмитенти бўлиши мумкинми?**

- A. мумкин эмас
- B. мумкин, фақат Марказий банкнинг қарорига кўра
- C. мумкин, фақат Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра
- D. мумкин

**Инвесторларнинг пул маблағларини жалб этиш ва уларни инвестиция активларига қўйиш мақсадида акциялар чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс — акциядорлик жамияти \_\_\_\_\_ ҳисобланади?**

- A. инвестиция фонди
- B. пай фонди
- C. тижорат банки
- D. инвестиция воситачиси

**Инвестиция фондининг қонунчиликка асосан мумкин бўлган барча турларини кўрсатинг?**

- A. ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлмаган инвестиция фонди
- B. хусусийлаштирилган инвестиция фондлари
- C. тўғри жавоблар йўқ
- D. ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлган ва ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлмаган инвестиция фондлари

**Инвестиция фондининг тури фонднинг \_\_\_\_\_ кўрсатилади.?**

- A. таъсис ҳужжатларида
- B. лицензияда
- C. эмиссия рисоласида
- D. барча жавоблар тўғри

**\_\_\_\_\_ пай фондидир?**

- A. инвесторларнинг пул маблағларини жалб этиш ва уларни инвестиция активларига қўйиш мақсадида акциялар чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс
- B. инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида икки ва ундан ортиқ шахсларнинг — инвесторларнинг ўзи ишончли бошқарувга берган пул маблағлари йиғиндиси
- C. инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси
- D. ўзаро мажбуриятларни аниқлаш (қимматли қоғозлар билан битимлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, солиштириш, тўғирлаш ва улар бўйича бухгалтерия балансларини тайёрлаш), уларни ҳисобга олган ҳолда қимматли қоғозларни етказиб бериш ва улар билан ҳисоб-китоблар бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс

**\_\_\_\_\_ инвестиция пайидир?**

- A. ўз эгаларининг пай фондидаги улушини тасдиқловчи ҳужжатсиз қимматли қоғоз
- B. қимматли қоғозлар, улушлар, пул маблағлари (шунингдек чет эл валютаси), қўйилмалар ва кўчмас мулк портфели
- C. коммандит ширкатдаги улуш
- D. номинал қийматга эга бўлмаган қимматли қоғоз бўлиб, у тақдим этиладиган қимматли қоғозларнинг муайян сонига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқлайди ва унинг эгасининг унинг эмитентидан ўрнига тақдим этиладиган қимматли қоғозларнинг тегишли сонини олишини мустақамланган ҳуқуқларнинг инвестиция пайи эгаси томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқуқини мустақамлайди

**\_\_\_\_\_ инвестиция фондининг бошқарув органлари ҳисобланади?**

- A. кузатув кенгаши
- B. ишончли бошқарувчи
- C. акциядорларнинг умумий йиғилиши
- D. барча жавоблар тўғри

**Инвестиция фонди \_\_\_\_\_ ҳақли эмас?**

- A. инвестиция фонди соф активларининг 10 фоиздан ортиғини бир эмитентнинг қимматли қоғозларига ёки масъулияти чекланган жамиятнинг улушига инвестиция қилишга
- B. умумий суммаси фонд соф активларининг 10 фоиздан ортик инвестицияларни амалга оширишга (бундан қимматли қоғозларга қўйиш мустасно)
- C. корпоратив облигациялар ва инфратузилма облигациялари, шунингдек имтиёзли акциялар чиқаришга
- D. барча жавоблар тўғри

**Пай фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарор \_\_\_\_\_ томонидан қабул қилинади?**

- A. инвестиция воситачиси
- B. инвестор
- C. инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси
- D. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси

**Пай фонди \_\_\_\_\_ пайдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади?**

- A. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида давлат рўйхатидан ўтказилган
- B. у биржа катировка варағига киритилган
- C. Пай фондларининг ягона реестрига киритилган ва тегишли ахборот қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ҳамда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг расмий веб-сайтларида эълон қилинган
- D. Умумий йиғилиш қарор чиқарганидан

**Пай фондининг ҳисоби \_\_\_\_\_ амалга оширилади?**

- A. инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси томонидан
- B. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан
- C. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан
- D. Адлия вазирлиги томонидан

**Пай фондининг пул маблағлари \_\_\_\_\_ мумкин?**

- A. тўғри жавоб йўқ
- B. ташкилий-ҳуқуқий шакли ўз иштирокчиларининг қўшимча жавобгарлигини назарда тутадиган хўжалик жамиятларининг қимматли қоғозларига ва улушларига инвестиция қилиниши
- C. ишончли бошқарувчи, аудиторлик ташкилотлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга инвестиция қилиниши
- D. фонд инвестиция активларининг 10 фоиздан ортик миқдорда бир эмитентнинг қимматли қоғозларига ёки МЧЖнинг улушларига инвестиция қилиниши;

**Пай фондларини тугатиш \_\_\_\_\_ ҳолларда амалга оширилади?**

- A. инвестиция пайлари эгаларининг пай фондини тугатиш тўғрисида бир овоздан қабул қилинган қарори мавжуд бўлганда
- B. барча жавоблар тўғри

C. барча инвестиция пайларини муомаладан чиқариш учун буюртмалар келиб тушганда

D. ишончли бошқариш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда ёки пай фонди ҳужжатларида кўрсатилган уни ташкил этиш мақсадларига эришилганда

**Ишончли бошқарувчи билан тузилган шартнома асосида ишончли бошқарувчи номидан ва унинг ҳисобидан фаолият юритувчи, инвестиция пайларини бериш, муомаладан чиқариш ва алмаштириш бўйича агент фақат \_\_\_\_\_ бўлиши мумкин?**

- A. Ташқи иқтисодий фаолият Мииллий банки
- B. инвестиция воситачиси
- C. «Тошкент» республика фонд биржаси
- D. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси

**Акциядорлик жамиятининг корпоратив веб-сайтида акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар бўйича овоз бериш яқунлари қайси муддатда эълон қилинади?**

- A. қарор қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кун мобайнида
- B. қарор қабул қилинган санадан бошлаб ўн беш кун мобайнида
- C. қарор қабул қилинган санадан бошлаб ўн кун мобайнида
- D. қарор қабул қилинган санадан бошлаб беш кун мобайнида

**Акциядорлик жамиятнинг корпоратив веб-сайтида бошқа манбалардан маълумотларни жойлаштиришга \_\_\_\_\_ йўл қўйилади?**

- A. фақат ахборот манбаи кўрсатилган тақдирда
- B. АЖ кузатув кенгаши қарори билан
- C. фақат ахборот манбаининг ёзма розилиги билан
- D. кварталда бир мартадан кўп бўлмаса

**"Устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун бевосита ёхуд ўзининг идоравий мансуб ташкилотлари орқали хизматлар кўрсатувчи ва/ёки товарларни сотувчи жамиятларнинг корпоратив веб-сайтларида назарда тутилган функцияларни кўрсатинг?"**

1. Товарлар, ишлар ва хизматларнинг турлари ва қиймати (тарифлар) тўғрисидаги тўлиқ ва муҳим маълумотларни қулай шаклда тақдим этиш

2. Аризалар, декларациялар, сўровномалар, бланкалар ва бошқа зарур ҳужжатларнинг электрон шакллари тўлдириш

3. Тўловларга шу жумладан мобиль қурилмалар ёрдамида онлайн ҳақ тўлаш

4. Хизматлар кўрсатиш юзасидан сўровномани расмийлаштиришда (шакллари тўлдиришд ҳужжатларнинг электрон версияларини илова қилиш?"

- A. 2, 3, 4 жавоблар тўғри
- B. 1, 2, 3, 4 жавоблар тўғри
- C. 1, 3, 4 жавоблар тўғри
- D. 1, 2, 3 жавоблар тўғри

**Ким акциядорлик жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштириладиган ахборотнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги учун жавоб беради?**

- A. АЖ кузатув кенгаши раиси
- B. АЖга хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси
- C. АЖ корпоратив бошқарув бўйича мутахассиси
- D. АЖ ижроия органи раҳбари

**Қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни \_\_\_\_\_ амалга оширишлари мумкин?**

- A. фақат жисмоний шахслар
- B. юридик ва жисмоний шахслар
- C. фақат юридик шахслар
- D. жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳам

**Қайси муддатда профессионал иштирокчининг раҳбари назоратчи томонидан аниқланган қонунбузилишлар тўғрисида ёзма равишда Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ахборот бериши шарт?**

- A. икки иш кунидан кечиктирмасдан
- B. уч иш кунидан кечиктирмасдан
- C. бир иш кунидан кечиктирмасдан
- D. беш иш кунидан кечиктирмасдан

**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қандай қонунбузилиши учун маъмурий жавобгарликка тортилади?**

- A. қимматли қоғозларни чиқариш ва қимматли қоғозларга доир битимлар тузиш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказишнинг белгиланган тартибини қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари томонидан бузиш
- B. барча жавоблар тўғри
- C. тегишли даромадларни инвесторларга тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик
- D. эмитентлар ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотни, ҳисоботларни эълон қилмаслик ёки ўз вақтида эълон қилмаслик, шунингдек давлат назорати органларига ҳисоботлар ёхуд ахборотни топширмаслик ёки ўз вақтида топширмаслик

**\_\_\_\_\_ - пировард натижада мулк ҳуқуқига эга бўладиган ёки мижозни аниқ назорат қиладиган жисмоний шахс, шу жумладан, унинг манфаатлари йўлида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга ошираётган юридик шахс?**

- A. нерезидент мулкдор
- B. қимматли қоғозлар эгаси
- C. бенефициар мулкдор
- D. тўғри жавоб йўқ

**Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар профессионал иштирокчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига шубҳали операциялар деб топилган пайтдан эътиборан \_\_\_\_\_ кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаклда берилади?**

- A. бир кундан
- B. икки кундан
- C. бир иш кунидан



D. икки иш кунидан

**Базис активи нима?**

A. қимматли қоғозлар ҳосилаларининг негизида бўлган ва қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари

B. қимматли қоғоз бўлиб, у ўзида назарда тутилган муддатда қимматли қоғозларнинг муайян сонини қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқлайди

C. ўз эгаларининг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқларини ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан опционлар, қимматли қоғозларга доир фьючерслар ва бошқа молиявий воситалар тарзида чиқариладиган қимматли қоғозлар

D. ягона сертификат учун талаб қилинадиган барча реквизитларни, ушбу ҚҚХнинг эмиссияси ва муомаласининг умумий шартларини ўзида жамлаган ҚҚХ бутун чиқарилишини (ёки чиқаришнинг бир қисмини) ҳужжатсиз шаклда расмийлаштирадиган ҳужжат

**Қуйидагилардан қайсиларини амалга оширишга рухсат берилган?**

A. битимни (цессияни) расмийлаштириш вақтида сотувчининг мулки бўлмаган қимматли қоғозлар ҳосилаларини сотиш

B. қимматли қоғозлар ҳосилаларни уни амал қилиш муддати тугайдиган кунда сотиш

C. ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан қимматли қоғозлар ҳосилаларининг олди-сотдиси

D. тўғри жавоб йўқ

**Банклар томонидан сертификатлар неча турда чиқарилиши мумкин?**

A. уч турда

B. тўрт турда

C. икки турда

D. чекланмаган

**Инвестиция воситачиси томонидан инвесторга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун ҳисоб-китоб-клиринг палатаси инвестиция воситачисига тегадиган воситачилик ҳақининг чегириб қолинадиган қисми ҳисобидан кафолат фондини шакллантиради, бунда воситачилик ҳақининг чегириб қолинадиган қисми бундай ҳақнинг қанча фоизини ташкил этади?**

A. 1 фоизини

B. 3 фоизини

C. 0,5 фоизини

D. 5 фоизини